Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2016-yil 30-iyun, №26 (1015)

Абитуриент — 2016

Олтин давр остонасида

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида 2016/2017 ўқув йили учун қабул жараёни бошланди.



Президентимиз раҳнамолигида асос солинган ўн икки йиллик умумий ва ўрта махсус таълим, икки босқичли олий таълим тизими замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган янги авлод кадрларини тайёрлашда юксак самаралар бераётир.

Ёшларимизнинг бу борада яратилган замонавий имкониятлардан оқилона фойдаланиш, олий таълим олиб, бирор соҳанинг малакали мутахассиси бўлиб етишишга интилиши кучаймоқда. Буни талабаликка даъвогарлик қилаётган абитуриентлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани яққол исботлайди. Давлат тест марказининг маълумотига кўра, 2014 йилда олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитуриентлар сони 543 мингдан кўпроқни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 605 мингдан ошган.

Бу йил ҳам олий таълим олиш иштиёқида бўлган ёшлар ўзлари танлаган олий таълим муассасаларига ҳужжат топширмоқда. Абитуриентлар ва ота-оналарга бу борада барча шароит яратилаётир. Мамлакатимиздаги матбуот нашрлари ва олий ўқув юртларининг интернет тармоғидаги сайтлари орқали қабул жараёнлари, тест олинадиган фанлар ҳақида масофадан туриб ҳам маълумот олиш мумкин.

Президентимизнинг 2016 йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарори асосида барча олий таълим муассасаларида ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди. 20 июндан ҳужжат қабул қилиш бошланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 майдаги фармонига мувофиқ Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгани бу йилги энг катта янгиликлардан бўлди. Фармонга мувофиқ университетда ўқув жараёни 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб йўлга қўйилди.

Ушбу университетнинг қабул комиссияси Тошкентдаги Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицей биносида фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва уларга тезкор жавоб бериш мақсадида комиссиянинг "ишонч телефони" ишламоқда.

Қабул режасига кўра бу йил ўзбек филологияси факультетига 80, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш факультетига 120, ўзбек-инглиз таржима факультетига 100 талаба қабул қилинади.

Тошкент тиббиёт академияси қабул комиссиясида ҳам ахборот бурчаклари ташкил этилиб, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент тиббиёт академиясининг қабул йўналишлари, қабул жараёнига тааллуқли расмий ҳужжатлар, қабул комиссиясига топшириладиган ҳужжатлар, ҳужжатларни тўлдириш тартиби аниқ баён этилган. Қабул жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида малакали педагоглар ва мутахассислардан иборат гуруҳлар шакллантирилган.

— Сайхун қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини тугаллаб, Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетига ҳужжатларимни топширдим, — дейди Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидан келган Ботир Тоғаев. — Замонавий имкониятлар ва мактабда ҳамда коллежда олган билимларим тест синовларидан муваффақиятли ўтишимда қўл келишига ишонаман.

Тошкент тиббиёт академиясида тиббиётнинг олти йўналиши бўйича бакалавр, эллиққа яқин йўналишда магистр мутахассислар тайёрланади. Бу йил бир қатор янги йўналишлар очилди. Бакалавриатура йўналишида тиббий биология, магистратура соҳасида диетология ихтисослигига асос солинди.

— Тиббий биология замонавий соғлиқни сақлашнинг ривожланиб бораётган тармоқларидан биридир, — дейди Тошкент тиббиёт академияси проректори Шухрат Боймуродов. — Бу соҳа мутахассиси нафақат врач-лаборант, балки касалликларга ҳужайра даражасида ташхис қўя оладиган, долзарб муаммолар бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказиш салоҳиятига эга малакали мутахассис бўлиб етишади. Бундай кадрлар келгусида тиббий диагностика соҳасидаги натижаларни янада юксалтиришда ўз ўрнига эга бўлади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти қабул комиссияси ҳам ёшлар билан гавжум. Қабул комиссиясидан маълум қилишларича, бу йил институтга бакалавр таълимининг ўн тўрт йўналиши бўйича 895 талаба қабул қилинади.

Темир йўл соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Мустақиллик йилларида тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли темир йўл инфратузилмаси такомиллашмоқда. Замонавий техника ва технологиялар амалиётга кенг жорий этилмоқда. Ана шундай замонавий тизимда ишлаш ёшларимиз учун эзгу мақсадга айланмоқда. Буни институтга ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани яққол исботлайди.

— Транспорт логистикаси, ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси каби йўналишларга ҳужжат топширувчилар кўпаймоқда, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти проректори Дилшод Баротов. — Бу соҳаларни битирган ёшлар келгусида янги замонавий, тез юрар поездларда конструктор, турли соҳалар мутахассиси бўлиб етишади.

Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш жараёни жорий йилнинг 20 июлига қадар давом этади.

ЎзА

Бош прокуратурада

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ҳудудий комиссиялар масъул котибларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Масъул котиблар малака оширди

Машғулотларда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида ҳуқуқбузарликлар ва эрта турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига ҳамда бу борада комиссиялар олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, масъул котиблар Тошкент шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий мослашув марказлари фаолияти билан яқиндан танишишди.

Машғулотлар якунида масъул котибларга сертификатлар топширилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

Тадбир

Жорий йилнинг 25 июнь куни Самарқанд вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида Самарқанд вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мувофиқлаштирувчи кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Дилмурод КАСИМОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари

Унда вилоятда диний экстремизм, терроризм, ноқонуний миграция, бандлик ва коррупцияга қарши курашиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда огоҳликни ошириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят прокурори Б.Деҳқонов маъруза қилиб, асосий эътиборни коррупцияга қарши курашиш, яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетиб қайтиб келган фуқароларни ишга жойлаштириш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши, ёшларни диний экстремистик оқимлардан асраш борасидаги тарғибот ишларини янада кучайтиришга қаратди.

Шунингдек, тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш идоралари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбиясини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, диний экстремистик оқимлар таъсирининг олдини олиш масалалари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва масъул идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилиш якунида камчиликларни бартараф этиш ва соҳада фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ёшларимиз гиёҳвандликка қарши

Андижонда "Ўзбекистон ёшлари гиёҳвандлик, терроризм ва диний экстремизмга қарши" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш уларни турли ёт ғоялар, иллат ва таҳдидлардан ҳимоя қилишда юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Унда ташкил этилган ижодкор ёшларнинг мавзуга доир ижодий ишлари кўргазмаси, гиёҳвандликнинг олдини олиш чора-тадбирлари, буклетлар намойиш қилинди.

Фестиваль Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи амфитеатрида Ватан, мустақиллик, ёшлик ва муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар билан якунланди.

Ўз мухбиримиз

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кучли қонуний асослари яратилиши жамиятда ишчанлик муҳитини барпо этиб, одамларнинг меҳнатга, мулкка муносабатини ҳам ўзгартирди. Ушбу жараён ўз навбатида прокуратура тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклади.

Тадбиркорга барча мададкор

Аббос ЭШМУРОДОВ,
Олот туман прокурори

Туман прокуратураси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада ўтказилган назорат тадбирлари ва текширишларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларининг 38 таси протест келтириш орқали, қолган 4 таси жиноят иши қўзғатиш орқали бартараф қилинди.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан фаолият кўрсатмаётган 31 та тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тиклаш орқали қўшимча тарзда 56 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, норасмий фаолият билан шуғулланиб келаётган 171 нафар фуқаро прокуратуранинг амалий ёрдами билан тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу билан эса ўз навбатида 183 та янги иш ўрни барпо этилди. Демак, шунча киши иш билан таъминланди. Бу қайсидир маънода рақамлар билан боғлиқ фактлар ортида инсон тақдири, унинг ижтимоий, иқтисодий муаммолари бартараф этилди демакдир.

Туман прокуратурасининг ишонч телефонига келиб тушган мурожаатлар орқали 12 нафар тадбиркорга амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, шундан 2 нафарига банклардан кредит ажратилиши таъминланди.

Мамлакатнинг макроиқтисодий тараққиётига ўзига хос муносиб улуш қўшаётган хусусий сектор вакиллари манфаатларини қонун ҳимоя қилар экан, бу йўналишда назорат тадбирлари давом этади. Зотан, тадбиркорга барча мададкор.



Машина кимники?

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қонун ҳимоячилари томонидан фирибгарликка қарши кескин кураш чоралари кўрилмоқда. Ушбу жиноятнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кўплаб тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, мазкур жиноятнинг турли кўринишлари бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинмоқда. Бироқ айрим одамлар нафсларига қул эканликлари, бошқаларнинг эса соддадилликлари, қонунларни яхши билмасликлари оқибатида бу тур жиноятлар ҳамон содир этилмоқда. Фирибгарлик жиноятлари кўпроқ машина, уйжой олди-сотдиси орқали рўй бераётгани юртдошларимизни ушбу масалага жиддий ёндашишга ундайди.

Исроил ака билан Шарифа опа (исм-фамилиялар ўзгартирилган) автомашина харид қилишни ният қилиб, Урганчдаги автомобил бозорига келадилар. Қўлларидаги пул ўзлари хоҳлаган машинага етмайди. Бироқ дўстларидан суриштириб, ҳозир кўпчилик машинасини "келишув" асосида сотаётганлигини билишади. Яъни келишувга кўра, автомобилнинг ярим пулини бериб, машинани олиб, қолганини кейинчалик бериш мумкин экан.

Кўп ўтмай уларга "Каптива" русумли автомашина маъқул келади. Нархи ҳам унчалик қиммат эмас экан. Машина эгаси Отабек кўринишидан иймонли, виждонли одамга ўхшайди. Хуллас, улар машина эгаси билан 65 млн. сўмга келишишади. Отабек 24 млн. сўмни ҳозир бериб, машинани олиб кетиш, қолганини бир-икки ой ичида бериш мумкин эканлигини айтиб, автоуловни ўзи ҳайдаб, харидорларнинг уйига олиб бориб беради. Келишилган пулни олгач, орқага қайтади.

Орадан икки-уч кун ўтиб, автомашина харид қилган тараф Отабекдан машинани уларнинг номига ўтказиб беришни сўрашади. Отабек ҳужжатлаштириш баҳонасида харидорнинг ўғли билан машинани уларникидан олиб чиқади-да, Урганчдаги "Шифер ишлаб чиқариш" цехига олиб келади. Шу ерда гўёки машина бузилиб қолади. Харидорнинг ўғли машинани шу ерда

Ғуломбек АТАДЖАНОВ,
Хонқа туман прокуроринг ёрдамчиси

қолдиришдан бошқа иложини тополмайди. Орадан кунлар ўтса-да, Отабек машинани эгасига қайтаришга шошилмайди. У автомобил таъмирталаб эканлигини, эҳтиёт қисмларини тополмаётганлигини баҳона қилаверади. Ана шу жараёнда сир фош бўлади. Маълум бўлишича, бу автомашина Отабекники эмас, балки қўшнисиники бўлиб, кредит эвазига гаровга қўйилганлиги маълум бўлиб қолди. Отабек пулга муҳтожлигидан ўз муаммоларини ҳал қилиш учун фирибгарликка қўл урган экан.

Қилмиш — қидирмиш. Отабек Хусанов ўзини ҳар қанча уддабурон ҳисобламасин, қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Суд томонидан унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Ҳозирги глобаллашув даврида диний экстремизм ва терроризм бутунжаҳон миқёсида ўта хавфли кўринишда тус олмоқда. Диний экстремистик ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиқиб, Ислом таълимотининг ғоя ва тамойилларини мазмунан ўзгартириб, ўз билганларича талқин қилган ҳолда одамларни тўғри йўллан адаштиришга уринмоқдалар.

Огоҳлик — давр талаби

Шуҳрат ЗОИРОВ,
Бухоро ҳарбий прокурори

Юртимизда тинч, осуда ҳаёт кечираётган, таълим олаётган, касб-ҳунар ўрганаётган ёшларимиз онгини аввало, ота-оналар, ўқитувчилар, нуронийлар, жамоат ташкилотлари ходимлари ҳимоя қилиши керак. Бу борада барчамиз огоҳ бўлишимиз ва унга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини фаол олиб боришимиз лозим.

Давлатимиз томонидан юртимизда ёшлар жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилянпти. Бу тадбирлар ўз ўрнида экстремистик ғояларга қарши тура олиш учун ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ана шундай тадбирлар Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, Бухоро гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида "Огоҳлик — давр талаби" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда иштирокчиларга диний экстремизм ва терроризм таҳдиди, уларга қарши курашишда юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти, мамлакатимизда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жавобгарликнинг асослари, огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш масалаларида атрофлича тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоблар қайтарилди.

Соғлиқ учун хавфли

Ҳасан НАРКУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Чирчиқ шаҳар бўлими инспектори

Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда.

Ана шундай имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлардан ташқари, қонунларни четлаб ўтиб, яширин йўллар билан даромад топиш пайида бўлаётганларнинг борлиги афсусланарлидир. Алкогол маҳсулотларининг ноқонуний савдоси, айниқса, уни яширин ишлаб чиқаришнинг хомашё манбаларини фош этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаролар Ҳалима Дўстматова ва Баҳриниса Холиқовалар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, савдо шохобчаси очиб, алкогол ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритганликлари аниқланди.

ДСЭНМ маркази экспертлари томонидан ҳуқуқбузарлардан ашёвий далил тариқасида олинган "Тошкент", "Иван Колита", "Хрустальная" номли спиртли ичимликлар инсон саломатлиги учун хавфли эканлиги ҳақида хулоса берилган.

Қўштирноқ ичидаги бу тадбиркорларга содир этган қилмишлари учун жиноят иши қўзғатилиб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Қонунга чап бермоқчи эди...

Мобил телефонларнинг ҳаётимизга кириб келганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, у ўтган вақт ичида одамларнинг кундалик эҳтиёжига айланиб улгурди.

Бугунга келиб, уяли алоқа хизмати ҳар бир хонадондан ўрин эгаллаётгани қувонарли ҳол, албатта. Боиси, уяли алоқа тизимига шаҳарлардан тортиб, республикамиз барча қишлоқларида ҳам бемалол рўйхатдан ўтиб, уланиб олишингиз мумкин. Бироқ айрим кимсалар мана шундай имкониятлар фойдаланиб, ўзлари учун ноқонуний фаолият кашф қилиб олаётганликлари ачинарли ҳолатдир.

Бунга сурхондарёлик Рамил Махаматуллиннинг (исм-фамилияси ўзгартирилган) қилмишини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу кимса Қашқадарё вилоятида "Ucell" уяли алоқа компанияси билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган "Muborak best trade group", "Nasaf kesh naxshab", "Sarvarbek sifat savdo" ҳамда "Dasht savdo" масъулияти чекланган жамиятларидан ноқонуний равишда қўлга киритган 65 нафар шахснинг фуқаролик паспорти нусхаларига уяли алоқа сим карталари харид қилиб, улардан қонунларимизга хилоф равишда халқаро алоқа хизмати кўрсатиш билан шуғулланиб келган экан.

Р.Махаматуллин тергов жараёнида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган, кўшни республикалик "Антон" ва "Коля" исмли шахслардан давлатимиз ҳудудига божхона назоратини четлаб олиб кирилган алоқа мосламаси ва бошқа техника воситаларини олиб, Чилонзор туманидаги кўп қаватли уйларнинг бирига ўрнатади ва 65 нафар фуқаронинг номига расмийлаштирилган телефон рақамлари ёрдамида аҳолига ноқонуний равишда уяли алоқа хизмати кўрсата бошлайди. У ушбу фаолияти учун "Коля" исмли

Афзалбек БЕРДИҚУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

шахсдан ойига 900 АҚШ доллари хизмат ҳақи олиб туради. Тегишли тартибда лицензия олмай, қонуларимизни четлаб ўтган Р.Махаматуллин яширин фаолиятини узоқ давом эттира олмади. Унинг қилмишлари СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан фош этилди.

Суд томонидан Р.Махаматуллинга тегишли жазо тайинланди.

Улуғ мақсад йўлида

Одатда мақсади бор кишининг иши унумли бўлади. Мақсади бор киши ҳаётда катта-катта ютуқларга эришади. Шу боис ота-боболаримиз бизга бераётган таълим-тарбиянинг энг муҳим шарти ўқишга, илм олишга, касб-ҳунар ўрганишга, олдимизга буюк мақсадларни қўйиб яшашга ундашдир.

Ерпулат КАИПБЕРГЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ўринбосари

Мамлакатимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. 1991 йилда мустақилликни қўлга киритгандан сўнг Ўзбекистоннинг бош мақсади инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш деб белгиланди.

Ўтган йиллар мобайнида бу мақсадга босқичма-босқич эришиб келинмоқда. Бунда аниқ бир режа орқали иш юритилаётгани юксак самара бермоқда, албатта. Ўтаётган ҳар бир йилга ўзига хос ном бериб, улуғ мақсад йўлида бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг белгилаб олиниши тараққиётнинг ўзбек моделига хос хусусиятидир.

Жумладан, "Соғлом она ва бола йили"да Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан эса "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси мунтазам назорат қилиб борилмоқда.

Олис ва чекка овул туманларида яшаётган аҳолини, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш жараёнида график асосида ҳар ҳафтада 4 марта туманларда истиқомат қилувчи аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Хўжайли, Қораўзак, Нукус туман тиббиёт бирлашмалари, Нукус шаҳридаги 1-сонли, Элликқалъа туманидаги 2-сонли диспансерлар, республика кўп тармоқли тиббиёт марказларида реконструкция ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, республикада аҳоли пунктларининг сув таъминотини яхшилаш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда. Бу йўналишда ишлаб чиқилган лойиҳа доирасида тадбирларни амалга ошириш учун жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 568,2 минг АҚШ доллари ўзлаштирилди. Қишлоқ жойларида табиий газ ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида 1746,99 млн. сўмлик иш ҳажми бажарилди. Шунингдек, 14 та туман ва Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаларини, Нукус шаҳридаги 7 та оилавий шифохонани замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.

Никоҳга кираётган шахсларни никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказишга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, назорат ўрнатилган. Касаллик аниқланган никоҳланувчи шахсларни тегишли тиббий муассасаларда соғломлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Мутасадди вазирлик ва идоралар никоҳланувчи шахслар билан қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг ва ирсий касалликлар, туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари ташкил этиб, бу борада мунтазам равишда телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар эфирга узатилаётир ва оммабоп нашрларда мақолалар жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан республикамизнинг чекка қишлоқ туманларида яшовчи кам таъминланган 214 нафар аёлларга электр-маиший техникаларни бепул бериш ҳамда яшовчиларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Саломатлик" поездлари ташкил этилган. Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш учун маиший ва узоқ муддат фойдаланиладиган техникаларни сотиб олишга тижорат банклари томонидан 1,9 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди.

Шунингдек, ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга эътибор янада кучайтирилди. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли 702 та умумтаълим мактаби, 18 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ишлаб турибди. Айниқса, қизларимизнинг спортга қизиқиши ортиб бораётгани қувонарли ҳол. Бугунги кунга келиб спорт билан шуғулланаётган ўқувчи-қизлар 58 минг 639 нафарни ташкил этмоқда.

Спорт объектларини таъмирлаш ва қуриш ишлари ҳам жадаллашмоқда. Тендер саволари якунланиб, 9 та спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилиши ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, қиз болаларни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказиш, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиб, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаси бўлиши учун "Илм ол — ҳунар ўрган, Ватанинг кутар сени" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Республика прокуратураси билан ҳамкорликда Бердақ номидаги мусиқа ва драма театрида "Ёш авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасасининг тутган ўрни" мавзусида семинар ташкил этилди.

2015-2016 ўқув йилида 93 та касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш юзасидан 10688 та корхона ва ташкилот билан тўрт томонлама шартномалар тузилди. Бундан ташқари, ёш оилаларга, тадбиркор аёлларга, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга тижорат банклари томонидан 15,4 млн. сўм кредит ажратилди. Республикада хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастурининг он-лайн тизимига асосан 450 та лойиҳа амалга оширилди ҳамда 1092 та янги иш ўрни яратилди.

Лекин кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларига қарамасдан, Республика прокуратура органлари томонидан дастур ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, Беруний туманида олис ва чекка қишлоқларда яшаётган аҳоли, айниқса, аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2016 йилнинг 1-чорагида банкнинг имтиёзли кредит маблағини ажратиш ҳамда "Гўзаллик салони", сартарошхона ва ҳаммом, намунавий маиший хизмат комплекси қуриш белгиланган бўлса-да, текшириш кунига қадар ушбу тадбирлар ижроси таъминланмаган. Бундан ташқари, туманда 2015 йилга мўлжалланган дастурга асосан "Шаббоз" овул фуқаролар йиғининг "Аскар" аҳоли манзилида намунавий лойиҳалар асосида 75 та замонавий уй-жой қурилиши лозим эди. Лекин бугунги кунгача 15 та уй-жойнинг қурилиш ишлари тўлиқ тугатилмаган. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, аввало, қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш чора-тадбирлари лозим даражада амалга оширилмаган.

Шу каби қонун бузилиши ҳолатлари Тўрткўл, Элликқалъа ва Амударёнинг туманларида ҳам аниқланди. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокимлари номига 4 та тақдимнома киритилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ўтаётган ҳар бир йилни улуғ мақсад, буюк келажакка эришиш йўлидаги довонларга ўхшатиш мумкин. Мақсад аниқ, куч ва имкониятларимиз етарли. Биздан талаб қилинадигани — улуғ мақсад йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ёшлар бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини ошириш, уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу меҳнат бозори учун зарур мутахассис кадрлар етказиб бериш ва ёшларни эгаллаган касби бўйича иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шерзод МАҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокуроринг катта ёрдамчиси

Самарқанд вилоятида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тўлиқ ишга жойлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда 2015-2016 ўқув йилида 1224 та умумтаълим мактабининг 9-синфларини 56 минг 97 нафар ўқувчи битиришди. Уларнинг 3 минг 819 нафари академик лицейларга, 52 минг 278 нафари касб-ҳунар коллежларига кириш истагини билдиришган.

2015-2016 ўқув йилида вилоятдаги мавжуд 175 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини 55 минг 28 нафар ўқувчилар битиришаётган бўлса, улардан 27 минг 463 нафари қизлардир.

Уларнинг 54 минг 376 нафари билан 19 мингдан зиёд корхона ва ташкилотлар ўртасида ишга қабул қилиш ҳақида тўрт томонлама шартномалар тузилган. 107 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 892 млн. сўмлик кредит сертификатлари берилган. Бу йил ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган 5200 нафар коллеж битирувчисига тижорат банклари томонидан 40 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Яқинда вилоят ҳокимлигида умумтаълим мактаблари ва коллеж битирувчилари иштирокида видеомулоқот тарзида селектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш арафасида 80 та мутахассис ишчи гуруҳи коллеж битирувчилари билан суҳбатлар ўтказди. Унда ёшларнинг 1,5 мингдан ортиқ савол ва таклифлари ўрганилган.

Видеомулоқотга уланган туман ва шаҳар студияларида ҳокимлар, прокурорлар, иш берувчи ташкилот раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, битирувчилар ва уларнинг отаоналари иштирок этди. Тадбирда иштирок этган 6 минг нафардан ортиқ қатнашчиларга хорижга ишлаш учун бориб, одам савдоси қурбони бўлган ёшларнинг қисмати ҳақидаги видеофильм намойиш қилинди.

Учрашувда сўзга чиққанлар томонидан мамлакатимизда ёшларга кенг имконият ва шароитлар яратилганлиги, меҳнат фаолияти, тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Битирувчиларнинг тадбиркорлик учун кредит, ер майдони, бино ажратиш, ускуналар, зотдор моллар олиб келиш, солиқ имтиёзлари ва бошқа масалаларга оид 60 дан ортиқ саволларига бевосита вилоят ҳокими, прокурори, банк, Давлат солиқ, меҳнат, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари ва етакчи мутахассислар томонидан жавоблар берилди. Кўтарилган муаммоларни жойида ҳал қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди. 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олишни таъминлаш борасидаги вазифалар ижроси, иш режаларининг бажарилиши ҳам мазкур учрашувда муҳокама қилинди.

Вояга етмаганлар манфаатини кўзлаб

Мамлакатимизда вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Алишер ҲАСАНОВ,
Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Шу маънода Чилонзор туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг яшаш жойларидаги тарбиявий масалалар, болаларнинг назоратсиз қолиши, бу муҳитда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилувчиларга нисбатан қонуний чоралар кўриш масалаларининг ҳал этилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Низом ижроси аҳволи текширилди. Текширишда аниқланишича, Чилонзор туманида яшаган Э.Сафина 1999 йилда ўғил фарзанд кўриб, уни 2 ёшгача тарбиялаган. Шундан сўнг у фарзандини қариндошларига ташлаб, уйдан чиқиб кетган ва уни кўриш учун ҳар замонда келиб турган. Сўнгги 10 йилдан буён ўзи умуман келмаган. Бола эса шу кунга қадар бувиси Раҳима Сафина билан бирга яшаб келган.

Юқоридагиларга асосан, 2015 йил 28 апрелда Чилонзор туман прокуратураси Э.Сафинани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига мурожаат қилган. Суднинг 2015 йил 7 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талабини қаноатлантирилган.

Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Татьяна Симонова вояга етмаган фарзанди 1999 йилда туғилган Сардор Джалоловнинг тарбияси билан шуғулланмай қўйган. Сўнгги пайтларда муттасил равишда спиртли ичимликлар ичиб, фарзандини уйидан ҳайдаб юборибди, уни назоратсиз қолдиргани сабабли "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини Т.Симоновани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраб, туман прокуратурасига мурожаат қилган.

Бундан ташқари, 182-мактабнинг 2015 йил 13 февралдаги васийлик ва ҳомийлик йиғилиши баённомасида 9-синф ўқувчиси С.Джалоловни онаси Т.Симонова уйдан ҳайдаб, уйни сотиб юборганлиги натижасида у қаровсиз қолганлиги, отасининг бошқа оиласи борлиги, шу билан бирга, у туман ИИБда ҳуқуқбузар сифатида рўйхатда туриши, онаси фарзанди тарбияси билан умуман шуғулланмаётганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддаси 1-хатбошисида ота-она (улардан бири) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Мазкур қонун талабидан келиб чиққан ҳолда туман прокуратураси томонидан Т.Симоновани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига мурожаат қилинган.



Суд мурожаатни атрофлича кўриб чиқиб, даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди томонидан Чилонзор тумани бўйича 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида соҳага оид ишлар юзасидан асосан қонуний қарорлар қабул қилинган бўлса-да, суднинг айрим қарорларида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари ва Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари талаблари бузилиши ҳолатларига ҳам йўл қўйилган. Хусусан, суднинг қонунга зид тарзда қабул қилинган қарорлари юзасидан апелляция тартибида 1 та протест киритилган бўлиб, юқори турувчи суд томонидан қаноатлантирилди. Масалан, даъвогар А.Умярованинг жавобгар Р.Ковалевга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги даъво аризаси ушбу суднинг 2016 йил 11 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан қаноатлантирилган.

Туман прокуратураси томонидан суднинг мазкур ҳал қилув қарори қонунийлиги ўрганилганида, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15-моддасида назарда тутилган талабларга риоя қилишмаган ҳолда, яъни тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқланган ҳолатларга етарли даражада ҳуқуқий баҳо берилмасдан туриб, ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорига асосан, ота-онадан бирини ота ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги даъвони кўришда суд болаларнинг келгусидаги тарбияси учун етарли шароитларни таъминлаш ва ота-онанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, алоҳида турадиган ота ёки онанинг турган жойини аниқлаши, уни ишда иштирок этишга жалб этиши ва болани тарбиялаш учун олиб бериш талаб қилинган ҳолларда унга болани олиб бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши шарт. Бироқ суд Р.Ковалевнинг турган жойини аниқламасдан ҳал қилув қарори қабул қилган.

Туман прокуратурасининг қонуннинг юқорида тилга олинган талаблари асосида мазкур иш юзасидан юқори турувчи судга киритган протести қаноатлантирилиб, адолатли қарор қабул қилинишига эришилди.

Вояга етмаганларнинг манфаатлари билан боғлиқ бу каби хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида уларга йўл қўйилишининг олдини олиш муҳим масалалардан биридир. Зеро, истиқлолимизнинг ўтган даврида қўлга киритилган бу йўналишдаги кенг қамровли саъй-ҳаракатларни давом эттириш барча соҳа вакиллари каби бизнинг ҳам асосий вазифамиздир.

Мурожаатга эътибор зарур

Конституциямизнинг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга" эканлиги белгилаб қўйилган.

Валижон МАМАДАЛИЕВ,
Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Ушбу конституциявий ҳуқуқ "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бутун мазмун-моҳияти билан очиб берилди. Мазкур қонун фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонун бузилишлари учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонунда белгиланганидек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб муомала қилиш, камситиш тақиқланади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ноқонуний қарорлар қабул қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан биридир.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда, энг муҳими, халқимизнинг кундан-кунга ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва шу билан бирга, талабэҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг масъулияти юқори бўлиши лозим. Яъни фуқароларнинг мурожаатларига раҳбарларнинг эътибор билан ёндашиши муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда прокуратура органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чорагида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 1030 та мурожаатнинг қарийб 65 фоизи ёки 567 тасини кўриб чиқиш якуни бўйича уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Шунингдек, бу борада ўтказилаётган текширишлар давлат бошқаруви ва назорат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ҳолатларига барҳам берилмаганлигини, мурожаатда кўрсатилган айрим масалалар ўз ечимини топмаганлигини кўрсатмоқда. Бу борада назорат тадбирлари якунлари бўйича мансабдор шахсларнинг беш нафари маъмурий, етти нафари интизомий жавобгарликка тортилган бўлса, қонунга зид қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида учта протест келтирилди.

Албатта, юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Аммо яна бир жиҳат борки, бу барчамиз учун муҳимдир. Яъни Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, эл-юртимиз тинчлиги қонунга итоат, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга боғлиқ. Қонунларни билиш, уларга итоат этиш фуқароларнинг ҳуқуқлари, мурожаатлари ва бурчларининг кафолатидир. Зеро, юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлган фуқарогина ўз ҳақ-ҳуқуқи, бурч ва мажбуриятини тўла англаб етади. Натижада турли англашилмовчилик, тушунмовчиликлар ортидан сарсон бўлиш каби кусурлардан холи бўлади. Буни ҳар бир юртдошимиз яхши билиши фойдадан холи эмас.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

Ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ўз навбатида, бошқа турдош ҳуқуқлар қатори инсоннинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳам юзага келтиради. Шу маънода, инсоннинг истеъмолчи сифатида ҳам бир қатор ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, улар ҳам қонун билан ҳимоя қилинади. Бу ҳуқуқларни бузишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Анвар УРМАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси

Аввало, биз истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билиб олишимиз лозим. Ушбу ҳуқуқлар 1996 йил 26 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг 1-моддасида истеъмолчига берилган таърифга кўра, истеъмолчи, фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш ёки хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро ҳисобланади. Шунингдек, истеъмолчи фақат жисмоний шахс бўлиши мумкин. Жисмоний шахс эса ёши, жисмоний ва руҳий ҳолатидан қатъи назар, истеъмолчи, деб тан олинади. Шу билан бирга, истеъмолчи бир қатор ҳуқуқларга ҳам эга бўлиб, қонуннинг 4-моддасига кўра, истеъмолчи, аввало, товар (иш, хизмат) тўғрисида, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга ҳақли ҳисобланади.

Шунингдек, у товарни (иш, хизмат) эркин танлаши, бу товарнинг етарли даражада сифатли ҳамда хавфсиз бўлишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни жалб қилиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2002 йилнинг 28 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, истеъмолчиларга "истеъмолчилар жамоат бирлашмалари"ни тузиш ҳамда мабодо бирон фуқаронинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари бузилса, ана шундай жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Шу ўринда харид қилинаётган маҳсулотнинг сифати билан боғлиқ масалага алоҳида тўхталиш лозим. Қонуннинг 8-моддасида истеъмолчи сотиб олаётган маҳсулотининг сифати, вазни ёки нархини текшириш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ўз навбатида сотувчи нархга оид ҳужжатларни тақдим этиб, товарни ишлатиб кўрсатгач, ундан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатиши шарт. Қонуннинг 6-моддасига биноан истеъмолчи, яъни харид қилувчи сотувчидан сотилаётган товар ҳақида зарур ва ҳаққоний маълумот беришни талаб қилишга ҳақли. Аввало, ишлаб чиқарувчи (сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар(иш, хизмат)лар ҳақида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Бундан ташқари, товарнинг баҳоси, ишлаб чиқарилган сана, ундан хавфсиз фойдаланиш қоидалари, яроқлилик муддати ва ушбу муддат тугагач, истеъмолчи нима қилиши кераклиги ҳақида тушунтириш бериб ўтиши лозим. Шунингдек, ишлаб чиқарувчи(сотувчи)нинг номи, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номерини, ишлаб чиқарувчи-(ижрочи, сотувчи)га истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатадиган



корхоналарнинг манзили, сертификатланиши шарт бўлган товарлар тўғрисида маълумот тақдим этиши керак. Агар сотиб олинган товар аввал ишлатилган ёки унинг бирон нуқсони тузатилган бўлса, истеъмолчига бу ҳақда маълумот берилиши шарт.

Товарга илова қилинадиган бу маълумотлар техник ҳужжатларда, товарларга ёпиштириладиган этикеткада ёки турли товарлар учун қабул қилинган бошқа усулларда истеъмолчига етказилиши лозим. Техник жиҳатдан мураккаб бўлган товарни сотишда дўкон ходими товар паспортида хизмат кўрсатиш мумкин бўлган кафиллик муддатини, сотиш санаси ва манзилини, устахона жойлашган манзилни кўрсатиши шарт.

Шундай бўлса-да, дейлик, сифатсиз маҳсулот харид қилинди. Бундай пайтда қандай йўл тутиш керак?

Агар бундай ҳолат юз берса, истеъмолчи шартномани бекор қилиши ва келтирилган зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилиши мумкин. Яъни қонуннинг 7-моддасига кўра ҳаққоний бўлмаган реклама натижасида сотиб олинган товар истеъмолчига зарар келтирганида зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ қоплаб берилади. Бунинг учун истеъмолчи дўкон номига ўз эътирозини ёзма равишда маълум қилиши лозим. У бундан ташқари, маҳалла, уйжой мулкдорлари ширкатлари ва бозорлардаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи таянч гуруҳларига, туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига ёки яшаш жойи бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ даъво аризаси билан мурожаат қилган истеъмолчи давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Агар фуқаро ўзи билмаган ҳолда нуқсонли маҳсулот сотиб олган бўлса, бундай пайтда қонуннинг 13-моддасида кўрсатилганидек йўл тутилади. Яъни нуқсонли товарни худди шунга ўхшаш ёки бошқа маркали товарга алмаштириб бериш талаб қилинади ҳамда унинг харид нархи тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилинади. Ёки нуқсонли товар қайтариб берилиб, олди-сотди шартномаси бекор қилинади. Ёхуд товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш талаб қилинади.

Нуқсонли товарни бошқасига алмаштириш тартиби қонуннинг 14-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, истеъмолчи томонидан товарнинг нуқсони аниқланса, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кун муддат ичида алмаштириб бериши шарт. Бордию, товарнинг сифатини сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан қўшимча равишда текшириш зарурати туғилиб қолса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб берилиши керак. Агар шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг талаби даъво қилинган пайтдан бошлаб бир ой ичида қондирилиши лозим.

/Давоми 7-бетда/

Парламент назорати такомиллашди

Жорий йилнинг 10 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 31 мартда Сенат томонидан маъқулланиб, 11 апрелда Президентимиз томонидан имзоланди.

Сунат АЗИЗОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратурасининг катта ёрдамчиси

Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, асосий мақсади парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг 3-моддасига кўра парламент назорати субъектлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис Сенати, мазкур палаталарнинг қўмиталари, комиссиялари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объектидир.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек, ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас.

Қонуннинг 5-моддасига асосан парламент назорати шакллари қуйидагилардан иборат:

— навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, шунингдек, Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш;

— Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш;

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроринининг ҳисоботини эшитиш;

— Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш;

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш;

— парламент сўрови;

— Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўрови;

— Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш;

— қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенат қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш;

— парламент текшируви.

Парламент сўрови, қонуннинг 14-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси, Сенат, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талабидир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади.

Парламент текшируви жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси ва Сенат парламент текширувини ўтказиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан комиссия тузади.

Комиссия бажарилган иш тўғрисида Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланган муддатда уларни хабардор қилади.

Қонуннинг 19-моддаси талабига кўра, прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилади.

/Давоми 7-бетда/

Ҳуқуқий ҳамкорлик самараси

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Бу эса, давлатимизга халқаро муносабатларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари доирасида бошқа давлатлар билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш имкониятини берди.

Азим МИРЗАҲМЕДОВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

Бугун дунё миқёсида бўлиб ўтаётган глобаллашув жараёнлари қатор умумбашарий муаммоларни дунё давлатлари биргаликда ҳал этишини тақозо қилмоқда. Ер юзида тинчликни сақлаш, халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, демографик вазиятни тартибга солиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ вазифалар шулар жумласидандир.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилишда содир этилган жиноятни тез ва тўла очиш, энг муҳими — жиноят содир этган шахсни аниқлаб, унга адолатли жазо берилишини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Жиноятчиликка қарши курашда эса ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам хусусида шартномалар тузилиши жуда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам, ушлаб бериш ва маҳкумларни топшириш тўғрисидаги шартномаларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг икки давлат ҳукуматлари ўртасида 2014 йилнинг 11 ноябрида Абу-Даби шаҳрида имзоланиши ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 2012-2014 йилларда БААга дипломатик каналлар орқали ушбу мамлакат ҳудудида жиноят ишлари бўйича алоҳида процессуал ҳаракатларни ўтказиш тўғрисидаги сўровлар юборилган бўлиб, бу борада тегишли шартномавий база йўқлиги боис ҳал этилмаган эди.

Эндиликда мазкур шартномалар ҳар икки давлатнинг ваколатли органларига ҳуқуқий асосларга кўра жиноий ишларни юритиш соҳасидаги масалаларни миллий қонунчилик билан тартибга солиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳал этиш имконини бериб, икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорликнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашади.

Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома жиноят ишларини терговқилиш, судда кўриш ва бошқа ҳаракатларни ўтказишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш асослари ва шартларини белгилаб берди.

Ҳуқуқий ёрдам томонларнинг сўровига асосан сўралаётган томоннинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

шахслардан кўрсатув ёки аризалар олиш;

ҳужжатлар ва далилларни тақдим этиш;

ҳужжатларни топшириш;

қамоқда сақланаётган шахсни кўрсатув бериш учун вақтинча топшириш;

тинтув ўтказиш ва хатлаш тўғрисидаги сўровларни бажариш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, жиноят предмети ва қуролларини мусодара қилиш;

томонлар қонунчилигига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошқа шакллари.

Сўралаётган томон сўровнинг ижро этилиши билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди. Сўраётган томон экспертларга тўланадиган ҳақ, таржима ва нусха кўчириш, видеоконференцияларни ўтказиш ва бундай ҳаракатларда таржимонни таъминлаш, қамоқда ушлаб турилган шахсни кўрсатув бериш учун ўтказиш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олади. Агар кўзда тутилмаган харажатлар юзага келса, томонлар сўров ижросини давом эттириш шартларини аниқлаштириш мақсадида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Ушлаб бериш тўғрисидаги шартнома эса, муқаддима ва 24 моддадан иборат бўлиб, унда алоқа тартиби, сўровнинг мазмуни ва илова қилинадиган ҳужжатлар, ушлаб бериш мажбурияти, ушлаб бериш учун асос бўладиган жиноятлар, ушлаб берилаётган шахсни топширишнинг тартиби ва шартлари, ушлаб беришни кечиктириш ва шартли ушлаб бериш, ушлаб беришни рад этиш асослари, ҳамкорликнинг мазкур соҳасига доир бошқа масалалар белгиланган.

Мазкур шартноманинг алоҳида ўзига хос бўлган хусусиятларидан бири — ушлаб бериш тўғрисидаги сўров юборилганда, бунинг учун асос бўлган ҳолатлар:

— ушлаб бериш учун қидирилаётган шахсга доир маълумотлар (фамилияси, исми, миллати, жинси, фаолияти тури ва унинг шахсини аниқлаш учун зарур бўладиган ҳар қандай маълумотлар);

— жиноят ишининг номи, жиноят содир этилган ҳолатлар ва унинг оқибатлари баёни;

— жиноий қилмиш ва бунинг учун тайинланадиган жазони ҳамда жавобгарликка тортиш ёки ҳукмни ижро этиш муддатларини белгиловчи тегишли қонун нормалари;

— ушлаб бериш учун қидирилаётган шахснинг тавсифи, имкони бўлса фотосурати ва бармоқ излари;

башарти ушлаб бериш тўғрисидаги сўров шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида юборилаётган бўлса, сўраётган томон ваколатли органининг қамоққа олишга рухсат бериш тўғрисидаги ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси ва сўроқ қилиш баённомасининг расмий нусхаси;

агар сўров ҳукмни ижро этиш мақсадида юборилаётган бўлса, суд ҳукми, унинг қонуний кучга кирганлиги ва жазонинг ўталмаган қисми тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши лозим.

Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги шартнома ҳукм чиқариш давлати ҳудудида жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилган бошқа томон фуқаролигига мансуб шахсларни улар фуқароси ҳисобланган давлатга жазони ўташ учун топшириш асослари ва шартларини белгилаб бермоқда.

Бундай шахсларни топшириш шартнома доирасида ҳукм чиқариш давлати ёки ҳукмни ижро этиш давлатининг сўрови билан, томонлардан бирининг марказий органига маҳкум, унинг яқин қариндошларидан бири ёхуд қонуний вакилининг юборилган аризасига асосан амалга оширилади.

Шартномада томонларнинг ўз миллий қонунчилигига риоя қилган ҳолда маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштирмасдан суд ҳукмининг тўла ҳажмда ижросини таъминлаш мажбурияти, шунингдек судларнинг ҳукмни қайта кўриб чиқиш ваколати, маҳкумларни топширишнинг ҳуқуқий оқибатлари қайд этилган.

Ушбу шартнома шартларига мувофиқ, агар маҳкумга нисбатан чиқарилган ҳукм қайта кўриб чиқилган тақдирда, ҳукм чиқарган давлатнинг марказий органи ҳукмни ижро этиш давлатига ҳукм бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги тўғрисидаги суд қарорининг тасдиқланган нусхасини зудлик билан юбориши лозим. Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган инсонпарварлик принципларидан келиб чиқиб, шахсни айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортмаслик мақсадида шартнома қоидаларида ҳукмни ижро этиш учун топширилган маҳкум ҳукм чиқарилган давлатда судланган айнан битта жинояти учун ҳукм ижро этиш давлатида қамоққа олиниши, судга берилиши ёки ҳукм қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шартноманинг ижроси маҳкумларга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони у фуқаролигига мансуб давлат ҳудудида ўташ имконини беради ва ҳуқуқбузарларнинг қатъий тузалиш йўлига ўтиши ва жамиятдаги нормал ҳаётга қайтариш мақсадига самарали тарзда эришилишига кўмаклашади.

Учала шартнома бўйича марказий органлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ва Бирлашган Араб Амирликларининг Адлия вазирлиги белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу шартномалар бўйича юбориладиган сўровлар ва зарур ҳужжатлар сўралаётган томон тилида инглиз тилидаги таржимаси билан бирга тақдим қилиниши лозим.

Ҳозирги кунда учала шартнома ҳар икки давлат томонидан ратификация қилинган бўлиб, ратификацион ёрлиқлар алмашиниши кутилмоқда. Шартномалар ратификацион ёрлиқлар алмашингандан сўнг ўттизинчи куни кучга киради.

Дунёдаги барча миллат ва элатларнинг асосий мақсади тинч-тотув яшаб, фаровон ҳаёт кечиришдир. Ҳар бир давлат эса, ўз миллий қонунчилик асослари ва халқаро ҳуқуқ нормалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатда осойишта ҳаётни, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари рўёбини таъминлашга интилади.

Бу борада миллатлараро ҳамжиҳатлик, халқаро ҳамкорлик эса мана шу орзуларни рўёбга чиқариш учун хизмат қилади.

Тақдимот

Электрон ахборот тизимининг янги версияси

Давлат божхона қўмитасида Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими янги версиясининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан божхона органларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлашди. Хусусан, соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши натижасида эришилган ютуқлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Ташқи савдо соҳасида бюрократик тўсқинликларни қисқартириш ҳамда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик фаолияти субъектларига ташқи савдо контрактлари бўйича маълумотларни электрон шаклда Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (ТСОЯЭАТ) киритиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, ташқи савдо шартномаларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш тартиби бекор қилинди. Ташқи савдо контрактлари юзасидан мониторинг валюта назорати органлари томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланди.

2003 йилда ташкил қилинган мазкур тизимда кенг кўламли такомиллаштириш ишлари амалга оширилди ва жорий йилда янгиланган тизим Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк томонидан муваффақиятли тарзда синовдан ўтказилди. Тадбиркорлар учун янада қулайликлар яратишга йўналтирилган Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимининг янги версияси аввалгисига нисбатан кўплаб афзалликларга эга.

Жумладан, тизим барча ташқи савдо шартномалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади. Аввалгидан фарқли ўлароқ тизимда 8 турдаги эмас, балки республика ҳудудида экспорт, Дастурий таъминот воситалари экспорти, Экспорт (толлинг) ва Импорт (толлинг) каби янги турдаги шартномалар ҳисобига 12 турдаги контрактлар ҳисобга олинади. Табиийки, бу ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини шу турдаги шартномаларни банкларга олиб бориб рўйхатга қўйиш ташвишидан халос этади.

Киритилаётган маълумотлар кўламининг кенгайтирилиши валюта назоратини амалга оширувчи органлар томонидан ўтказиладиган мониторинг сифатини ошириш билан бирга ушбу жараёнда тадбиркорларга янада қулайликлар яратади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг фаолиятига аралашишнинг олди олинади.

Тизимга киритиладиган барча маълумотларнинг бир-бирига мослиги мантиқий назорат қилиниши натижасида тадбиркорлар томонидан электрон контрактларни юборишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олади ва ташқи савдо юкларини расмийлаштириш жараёнида уларнинг вақтини тежашга имкон беради. Шунингдек, тизимда ташқи савдо шартномалари билан боғлиқ барча ҳисоботларнинг автоматик равишда шакллантирилиши мазкур ҳисоботларни тегишли идораларга қоғоз шаклида тақдим этишга барҳам беради.

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими янги версияси билан ишлашда контрактлар тўғрисида маълумотларни тайёрлаш учун "ВЭД-Контракт" дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирда тадбиркорларимиз дастурни Ягона давлат электрон хизматлар портали ва Давлат божхона қўмитаси веб-сайти орқали бепул кўчириб олиб, фойдаланишлари мумкин.

Тадбир якунида эса журналистлар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар олишди.

Ўз мухбиримиз

Баркамол авлод – юрт истиқболи

Истиқлол йилларида мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бундай ғамхўрликнинг натижаси бугун ёшларимизнинг эришаётган ютуқларида, улар забт этаётган юксак марраларда акс этмоқда десак, янглишмаймиз.

Давлатжон ИМИНОВ,
Олтинкўл туман прокурори

Келажагимиз эгалари бўлган болаларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан саломатлигини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг ижроси ва мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида туман прокуратураси томонидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, ногирон болаларни соғломлаштириш, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ва "Мурувват" уйларида тарбияланаётган болалар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан мутахассисларни жалб қилиш йўли билан мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Қайд этиш жоизки, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари ва жамоатчилик ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туман прокуратураси ташаббуси билан тумандаги "Маданият ва аҳоли дам олиш маркази" биносида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" шиори остида хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бўлими, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими ходимлари, "Билимдон" журнали ва "Олтинкўл" газетаси муҳаррирлари ҳамда тумандаги меҳр-мурувватга муҳтож, жисмонан имконияти чекланган уй мактаби ўқувчилари таклиф этилди.

Унда таълим муассасаси тарбиячи ва тарбиялануvчилари иштирокидаги театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилиб, тадбир якунида меҳр мурувватга муҳтож, жисмонан имконияти чекланган ўқувчиларга туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳамда "Билимдон" журнали таҳририяти томонидан турли совғалар тарқатилди.

Бироқ амалга оширилган ишларга қарамасдан, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларга таълим-тарбия берилишида мутасадди ходимлар фаолиятида камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, тумандаги 35-умумтаълим мактаби уй мактаби ўқувчиси М.Ҳамдамов ёрдамчи дастур асосида ўқитиб келинаётган бўлса-да, 2016 йилнинг май ойида она тили ўқитувчиси С.Ҳамидова ва физика фани ўқитувчиси Д.Абдуллаевалар 2 соатдан, математика фани ўқитувчиси Д.Ҳамдамова ва география фани ўқитувчиси Х.Раҳмоновлар 1 соатдан дарс машғулотларини ўтмаганликлари маълум бўлди. Шунингдек, 2-умумтаълим мактабининг уй мактаби ўқувчиси Р.Анваржоновга вилоят ташхис маркази томонидан ёрдамчи дастур асосида ўқитиш мумкинлиги хусусидаги хулоса берилган бўлсада, ўқитувчилар Т.Хўшматова, Г.Ўринова, Г.Хамрақулова ва Абдувахобовалар томонидан ўқувчи умумтаълим дастури асосида ўқитиб келинган.

Бундан ташқари 3-, 9-, 12- ва 39-умумтаълим мактабининг уй мактаби ўқувчиларига умумтаълим мактабларининг ёрдамчи дастур асосида ўқитилиши бўйича буйруғи қабул қилинган бўлса-да, психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосалари олинмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги қарори билан тасдиқланган "Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низомда жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар, мактаб-интернатлар томонидан уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилиниши, ўқувчиларга Халқ таълими вазирлиги ёки вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси ва ушбу органларнинг йўлланмаси асосида уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, 8-умумтаълим мактабида 2016 йил 11 январдан уй синфи очилган бўлишига қарамай, мактаб томонидан ўқитувчилар табелига январь ойи учун ўқитувчилар Н.Маматқулов, М.Усмонова, Н.Жўраеваларга тўлиқ дарс соатлари ёзиб юборилганлиги, натижада буюждетдан иш ҳақи ортиқча ҳисобланишига йўл қўйилгани аниқланди.

9-умумтаълим мактаби уй синфи ўқувчиси А.Абдуллаевга Андижон вилояти руҳий-тиббий-педагогик маслаҳат комиссияси томонидан умумтаълим дастурида ўқув йилининг 1-ярим йиллиги учун хулоса берилган, 2-синф ўқувчиси А.Абдуллаев 2016 йил 1 январдан мактабга қайтиши керак бўлсада, ушбу ўқувчи учун январь ойида ҳам уй синфи очилган, натижада бошланғич синф ўқитувчиси Н.Усмоновага январь ойида 167 минг 565 сўм ортиқча иш ҳақи тўланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ортиқча тўланган иш ҳақлари ихтиёрий равишда маҳаллий бюджетга қайтарилиши таъминланди.

Ўтказилган текшириш якунларига биноан аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда қонунчилик талаблари ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокими, тиббиёт бирлашмаси ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими бошлиқлари номига тақдимномалар киритилди.

Парламент назорати такомиллашди

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Қонуннинг 21-моддаси талабига кўра, парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати натижалари бўйича: ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига қонун ҳужжатларининг, давлат дастурларининг ижроси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг амалга оширилиши самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш юзасидан таклиф ва тавсиялар киритиши мумкин. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан киритилган маърузаларни, ҳисоботларни, ахборотни ҳамда бошқа материалларни улар юзасидан мулоҳазалар ва таклифларни кўрсатган ҳолда ушбу органларга маромига етказиш учун белгиланган тартибда қайтариб юбориши, парламент назорати материалларини ваколатли давлат органларига ўз ваколатларига мувофиқ кўриб чиқиш учун юбориши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларига мурожаат қилиши, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни лавозимдан озод этиш тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклиф ва тавсиялар киритиши, янги қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг кўриб чиқилиши ва ижро этилишини таъминлайди.

Парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ҳамда уларнинг мансабдор шахсларини парламент назоратини ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар билан таништириши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслиги, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

Парламент назорати субъектлари парламент назоратини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, парламент назорати амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши, парламент назорати субъектларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги, парламент назорати субъектларига парламент назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши, шунингдек, уларнинг ишончлилиги ва холислигини таъминлаши шарт.

Парламент назорати натижаларини кўриб чиқиш бўйича Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ҳамда улар органларининг мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади.

Зарур бўлганида Қонунчилик палатаси, Сенат ва уларнинг органлари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Парламент назорати натижалари оммавий ахборот воситаларида ва Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши мумкин.

Мазкур қонун ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ҳисобланган қонун устворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳамда жамиятда парламент ролини оширишга хизмат қилади.

Истеъмолчилар ҳуқуқлари – қонун ҳимоясида

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Нуқсонли маҳсулотни бошқасига алмаштириш чоғида кўпинча нархдаги ўзгаришлар туфайли келишмовчиликлар юз бериши мумкин. Қонуннинг 17-моддасида бундай вазиятларда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб тартиби кўрсатилган. Камчилиги бўлган маҳсулот худди шундай маркали, артикулли ёки моделли товарга алмаштирилаётганда бундай маҳсулотнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди. Агар бошқа маркали, моделли маҳсулотга алмаштириш ҳақида гап кетаётган бўлса, масала қўйидагича ҳал этилади. Агар алмаштирилаётган маҳсулотнинг баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи томонидан таклиф қилинаётган бошқа моделдаги маҳсулотнинг баҳосидан паст бўлса, истеъмолчи нархлар ўртасидаги фарқни тўлаши керак. Борди-ю, бунинг акси бўлса, баҳолар ўртасидаги фарқ истеъмолчига тўланади.

Шу ўринда истеъмолчилар шуни ҳам эсдан чиқармасликлари керакки, товарнинг нуқсони бартараф этилишини талаб қилишнинг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Биринчидан, товарнинг касса чеки ёки унинг кафолат муддати белгиланган техник паспорти ёхуд унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат сақланган бўлиши керак. Иккинчисидан эса, кафолат муддати ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатилган бўлиши шарт. Кафолат муддати, шунингдек, хизмат кўрсатиш муддати товар истеъмолчига сотилган кундан эътиборан ҳисобланади. Агар уни аниқлашнинг имкони бўлмаса, муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бирон нарса сотиб олаётганда унда муҳр ёки мос ёзув борлигига эътибор бериш керак.

Таъкидлаш лозимки, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари поймол этилган ҳолларда шунга яраша жазо ҳам қўлланилади. Масалан, истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун эса ЖКнинг189-моддасида жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ҳам истеъмолчининг ҳуқуқлари поймол этилган ҳолатлар юз берганда қўлланиладиган бир қанча моддалар бор. Уларга кўра, ҳуқуқбузарга маъмурий жавобгарлик белгиланган. Масалан, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (164-модда), молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш (166-модда), бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш (168-модда), таркибида кимёвий моддаларнинг қолдиғи йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш (169-модда), стандарт талабларига ёки техник шартларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш (173-модда) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инсон камолоти, мамлакат равнақи бевосита она ва боланинг соғлиғи ва қандай муҳитда ҳаёт кечиришига боғлиқ. Қайси юртда оналар бахтиёр бўлиб, болаларнинг шодон кулгуси янграса, бу заминнинг эртанги куни нурафшондир. Дарҳақиқат, ота-она учун фарзанди соғ-саломат бўлиб, тинч-осойишта муҳитда улғайишини, шоду хуррамликда болаликнинг беғубор дамларини ўтказишини кўришдан-да зиёдроқ бахт бўлмаса керак.

Соғлом фарзанд аҳил оила мевасидир

Хайрулла БЎРИЕВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

Мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам айнан она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш ҳисобланади. Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ва келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда соғлом экологик муҳитни яратиш давлатимизнинг келажаги билан узвий боғлиқ. Она ва бола саломатлигини яхшилаш, оила ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга, замонавий тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар ҳаётга татбиқ этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида "Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади", деб белгилаб қўйилганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Юртбошимиз раҳнамолигида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган ҳаётбахш ғоя асосида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар аллақачон ўз натижаларини кўрсата бошлаган. Ўтган йиллар мобайнида ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, юрт тақдирини ўз тақдири, деб биладиган баркамол авлодни тарбиялашга, соғлом фарзандларни дунёга келтирадиган оналар саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом ва ҳар томонлама тўкис оилаларни барпо этишга эътибор янада ортди.

Оилада чақалоқнинг туғилиши — икки ёшнинг ҳаётидаги энг қувончли ҳодисадир. Дунёга келган янги меҳмон, аввало, оиланинг зурриёди, авлод давомчиси, қолаверса, келажакда давлатнинг таянчига айланадиган пойдевордир. Мамлакатимиз миқёсида болаларнинг соғлом туғилишига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки фарзандлари соғлом юртнинг келажаги порлоқдир.

Соғлом фарзанд — соғлом оила меваси. Шундай экан, бунда нафақат туғруқ ёшидаги аёлларнинг ҳомиладорлик пайтидаги саломатлиги, балки ҳомиладорликдан олдинги саломатлигига ҳам мунтазам жиддий эътибор беришга қаратилган тиббий кўриклардан ўтказиш ва уларда касалликлар аниқланган тақдирда, ўз вақтида даволаш чоралари кўрилиши лозим. Бунда бўлажак ота-онанинг, айниқса, биринчи марта ота-она бўлаётган эр-хотиннинг руҳиятига, маънавиятига жиддий эътибор бериш лозим.

Қолаверса, болаларнинг соғлом туғилиши ва жисмонан бақувват бўлиб улғайиши йўлида нафақат онанинг, балки отанинг ҳам саломатлиги муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир жамиятда оилада тиббий маданиятни юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оила муҳитини шакллантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Мамлакатимиз равнақи учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишлар изчил давом этмоқда.

Халқимизда "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган нақл бор. Ушбу нақл тилга олинганда, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кузатилмайдиган, ўзига хос тарбия маскани саналган маҳаллаларимиз кўз олдимизда гавдаланади. Чунончи, соғлом бола — аҳил оиланинг меваси бўлса, унинг хулқи, одоби ўша маҳалланинг ютуғидир. Шу боис бизда оилалар келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қадрланади. Оилада оила бошлиғининг ўрни беқиёсдир. Отанинг фарзандлари учун қайғаси сари болаларга ва уларнинг тақдирига ҳушёрроқ қараши, уларни юксак қадриятларимизнинг асл ва бақувват илдизларидан баҳраманд этиш, уларга бугунги турмуш тарзимизга мос тарбия бериш, албатта, зиммасидаги муҳим вазифалардан саналади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди.

Ватан равнақи олий неъмат

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган кенг кўламли "Соғлом она — соғлом бола" дастури бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланди. Ушбу дастурга мувофиқ мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олган замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи шакллантирилди.

Фаррух ТОШПУЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти матбуот гуруҳи катта инспектори

Жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, барча вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, диагностика марказлари, шунингдек, қарийб 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Ушбу тиббиёт муассасалари замонавий диагностик ва даволаш ускуналари билан таъминланиб, тиббий хизмат сифати янада оширилмоқда. Республика бўйича пренатал ва скрининг марказларининг кенг тармоғи шакллантирилгани ҳам давлатимиз келажак авлод саломатлигига катта эътибор қаратаётганини яққол намоён қилади.

Фахр билан айтиш лозимки, бугунги кунда репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди.

Бугун замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди.

Умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш давлатимизнинг доимий диққат марказида турибди.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентнинг қоқ марказидаги мустақиллик майдонида бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи — бахтиёр она ҳайкалига эътибор қилинг.

Турмушидан мамнун, фарзандига меҳрла боқиб турган бахтиёр она. Кўнгли хотиржам, юзида ним табассум, ҳаётдан хурсанд ўзбек аёли.

Давлатимиз қайси соҳада бўлмасин ислоҳотларда инсон омилини биринчи ўринга қўймоқда. Ватандошларимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш нуқтаи назари билан ёндашмоқда.

Таълим тараққиёт калитидир. Бу замон ва макон танламайдиган оддий ҳақиқат. Инсоният ҳамиша илм-маърифатга интилиб яшашининг боиси ҳам шунда. Айниқса, бугунги даврда таълимга қаратилаётган эътибор ва сармояларнинг қадр-қиммати тобора ошиб бормоқда.

Тан олиш керак, юртимизда эски таълим тизимини тубдан қайта қуриш, 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш ҳар жиҳатдан ўзини оқлади. Таълимнинг ўзбек модели, ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялайдиган, замон руҳига мос тизим сифатида ном қозонди.

Ушбу таълим дастурининг афзалликлари кўп. Бунга ҳар қадамда гувоҳ бўлиб турибмиз. Хусусан, ўтган давр мобайнида юртимизда фаолият юритиб келаётган таълим муассасаларнинг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда.

Бугун коллеж ва лицей битирувчилари ўрта бўғин кадрлари ҳисобланади. 12 йиллик мажбурий таълим ёшлар учун замонавий билим олиш билан бирга касб-ҳунар эгаллаш имконини беряпти.

Ёшликда олинган билим мисоли тошга ўйилган нақш кабидир. Вақтида бу ҳикматнинг мағзини чаққанлар кам бўлаётгани йўқ. Ёшликдан сабоқларни пухта ўзлаштирган илмга чанқоқ, кенг дунёқарашга эга ёшлар етук мутахассис сифатида жамиятда ўз ўрнини топиб, фаровон турмуш кечираётганига ҳар қадамда гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Иқтидорли ёшларнинг бугунги куни, нурли келажагига эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Бу ёшлар мактабда ҳам, коллежда ҳам пухта таҳсил олгани, олий ўқув юртига кириб муваффақиятли тамомлагани туфайли бугун жамиятда ўз ўрнига эга.

Бу эса фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, янги аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратиш борасида Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга янги куч, янги шижоат бахш этди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар эса ўзининг меваларини бермоқда.

Самарқандлик ўқувчи-ёшлар биринчи

Дилмурод САЙИДҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Юртимизда ёшларни маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида вояга етказиш жараёнида фарзандларимизнинг ақл-заковати ва истеъдодини тўла намоён этиши, уларни бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш йўлида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва эътибор, яратилган имкониятларнинг юксак самаралари ёшларнинг турли халқаро ва республикамиздаги интеллектуал танлов, фан олимпиадаларида кўрсатаётган натижаларида ўз ифодасини топмоқда.

Яқинда Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 39 нафар ўқувчилари республика фан олимпиадасида иштирок этиб, еттита совринли ўринга сазовор бўлди. Жумладан, СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Нигора Тошмуродова она тили, Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Сардор Нарзиев рус тили ва адабиёти, Сиёб тиббиёт коллежи ўқувчиси Муҳаммаджон Масеев эса химё фанидан 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси Дурдона Анварова ўзбек тили ва адабиёти, СамДУ қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси Шаҳзод Узоқбоев химё, Жомбой маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Алижон Ҳайитмуродов амалий география фанидан 2-ўринга, СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Фароғат Насимова эса ўзбек тили ва адабиёти фанидан 3-ўринга сазовор бўлди.

Мазкур фан олимпиадаси ўқувчи-ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён қилишлари, ўзлари танлаган фан ва ихтисосликларни чуқур ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш, келажакда касбни тўғри танлашларига кўмаклашишга хизмат қилади. Айтиш лозимки, 2000-2015 йилларда вилоят академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари халқаро ва республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида иштирок этиб, 55 та совринли ўринни эгалладилар ва улар олий ўқув юртларига тест синовлари ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинди. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ бу каби беллашувларга вилоятимиз педагогик жамоаси ва ўқувчиларимизнинг жиддий тайёргарлигини ҳамда мусобақа нуфузини ифода этиб турибди.

Қувонарлиси, бу йилги фан олимпиадасида еттита совринли ўринга сазовор бўлган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида республикамиз миқёсида биринчиликни эгаллади.

Қарор бекор қилинди

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлашда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги ҳолатларга, прокуратура аралашуви талаб қилинадиган ҳолларда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонуний чоралар кўрилиб, бу жараёнда прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали мазкур субъектларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Яхё АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Хусусан, Ангрен шаҳридаги мактабларидан бирида директор ўринбосари бўлиб ишлаган Маъруф Содиқов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими (ХТМФМТТЭБ) бошлиғининг буйруғига асосан ишдан бўшатилиб, меҳнат шартномаси бекор қилинади. Ишдан бўшатилган директор ўринбосари даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, мазкур буйруқни бекор қилишни, уни ўз лавозимига қайта тиклашни ва мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундириб беришни сўрайди.

Фуқаролик ишлари бўйича суд даъво талабларини кўриб чиқиб, буйруқни ҳақиқий эмас, деб топади ва М.Содиқовни ишга тиклаш, шунингдек, жавобгар шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидан М.Содиқов фойдасига мажбурий прогул вақти учун 5 млн. 376 минг 107 сўм иш ҳақи ундириш ҳақида қарор қабул қилади. Бироқ суднинг бундай қарори мактаб директори Эргаш Зайниевни қаноатлантирмайди. Чунки, у бир неча йил ўзининг ўринбосари бўлиб ишлаган М.Содиқовни жуда яхши билишини маълум қилиб, у мазкур лавозимга нолойиқ эканлиги тўғрисида важлар келтиради. Аммо унинг важлари инобатга олинмаганидан кейин суд қарорига протест келтиришни сўраб, Тошкент вилоят прокуратурасига мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15-моддасида суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш ҳамда аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўриши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмасликнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим, деб кўрсатилган бўлса-да, суд тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама тўлиқ ва холисона таъминлаш чораларини кўрмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, М.Содиқовнинг ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинганда, у фаолияти давомида меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги ва малакаси етарли бўлмаганлиги тўғрисида далолатномалар тузилган. Таҳлиллардан сўнг мактаб директори Э.Зайниевнинг буйруғига асосан даъвогар М.Содиқовга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чораси эълон қилинган. Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича суднинг 2014 йил 16 октябрь, 24 декабрдаги ҳамда 2015 йил 23 февралдаги қарорларига асосан М.Содиқовга нисбатан маъмурий жарима жазолари тайинланган. Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси ишлаб чиқариш йиғилишининг баённомасига асосан М.Содиқовни директор ўринбосари лавозимидан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Ушбу қарорнинг ижросига асосан шаҳар ХТМФМТТЭБ мудири М.Содиқовни умумтаълим мактабининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимидан озод этиш ҳақида буйруқ чиқарган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 206-моддасига кўра, ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирозлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак. Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида эса ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, асос бўлган далиллар, суднинг у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалари, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилиши лозим. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин, деб кўрсатилган. Бироқ биринчи инстанция суди ишдаги далилларни ўрганиб чиқиш, янги фактларни аниқлаш чораларини кўрмаган. Шунингдек, суд томонидан мазкур даъво аризасини кўриш жараёнида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган.

Хусусан, суд маъмурият буйруғини бекор қилишда ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшмасининг розилиги олинмаганлигига асосланган бўлиб, мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқиш жараёнида мактаб директорининг собиқ ўринбосари М.Содиқов ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси ҳамда ходимнинг меҳнат дафтарчаси, шунингдек, ички меҳнат тартиби қоидалари иш материаллари асосида баҳолаш учун талаб қилиб олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"ги Қарорининг 21-бандига асосан, низони тўғри ҳал этиш учун суд жамоа келишуви ёки жамоа шартномаси тузилган ёки тузилмаганлигини ва шартномада ходимни ишдан бўшатиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган ёки тутилмаганлигини аниқлаши лозим. Бу ўринда жамоа шартномасида жамоа келишувига нисбатан ходимнинг ахволи ёмонлашиши мумкин эмаслигини назарда тутиш керак. Агар тармоқ ёки ҳудудий жамоа келишувларида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшмалари қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розилик жамоа шартномасида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, олиниши шартдир, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда рўйхатдан ўтган "Меҳнат дафтарчаларни юритиш тўғрисида"ги Йўриқноманинг 3-боб, 3.1-бандида ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг мазкур ташкилотда ишлаган даврида меҳнат дафтарчасига киритилган иши тўғрисидаги маълумот (ёзув)лар корхона раҳбари ёки унинг томонидан махсус ваколат берилган шахснинг имзоси ва корхона ёки ходимлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланади. Ходим ишдан бўшаганда меҳнат дафтарчасини олганлиги тўғрисидаги шахсий варақасига (№Т-2) ва ходимлар бўлимидаги ҳисобот китобига имзо қўйган бўлиши белгиланган бўлса-да, иш материалларига ушбу ҳисобот китоби (унинг кўчирмаси) ҳам суд томонидан талаб қилиб олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 136-моддаси 1-қисмига кўра, чақирув қоғози фуқарога топширилганида, у чақирув қоғозини судга қайтариладиган иккинчи нусхасига қоғозни олган вақтини кўрсатиб, имзо чекади, деб белгиланган. Бироқ биринчи инстанция суди мазкур низо юзасидан мактаб директорининг манфаатдор шахс ҳисобланишига эътибор қаратмасдан, унинг раҳбари ёки бошқа ишончли вакилини ишга жалб қилиш чорасини кўрмаган ва бу билан иш бўйича манфаатдор шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир масалани ҳал қилмаган.

Шунингдек, фуқаролик ишида ХТМФМТТЭБ томонидан мудир ўринбосарига судга қатнашиш учун ишончнома берилган бўлса-да, суд қарорида унинг сўроқ қилингани ҳақида суд мажлиси баённомаси мавжуд эмас. Суднинг ҳал қилув қарорида эса бўлим мудири ўринбосари низо юзасидан хулоса берганлиги қайд этилган. Оқибатда суд баённомасида мавжуд бўлмаган маълумотлар ҳал қилув қарорига асоссиз равишда киритилган.

Бундан ташқари, суднинг ҳал қилув қарорида низони ҳал этишда прокурор катта ёрдамчиси иштирок этганлигини кўрсатган. Лекин суд мажлиси баённомаларида, шу жумладан, ишни тамомлашда тузилган баённомада ҳам прокурорнинг иш юзасидан билдирган фикри акс эттирилмаган.

Шу билан бирга, суд томонидан даъвогар М.Содиқовнинг иш ҳақини ҳисоблаш юзасидан хулосалари аниқлаштирилмасдан, жавобгардан унинг фойдасига прогул вақти учун 5 млн. 376 минг 107 сўм ундириб, нотўғри хулосага келинган.

Суд маъмурият бўлимининг буйруғини бекор қилишда, ходимга нисбатан интизомий жазо қўллашда бир ойлик муддат ўтказиб юборилганлигига асосланган. Бироқ мактаб директори ўринбосари М.Содиқов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ шаҳар прокуроринг мактаб фаолияти юзасидан текширув тақдимномасининг натижасига кўра чиқарилганлигига, шунингдек, ушбу тақдимнома ижро учун вилоят халқ таълими бошқармасига келиб тушганлигига ва кўрсатма асосида шаҳар ХТМФМТТЭБга кўриб ҳал қилиш учун юборилганлигига, шу давр мобайнида ўтган муддатларнинг узрли эканлигига қонуний баҳо бермаган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 314-моддаси 2-қисми 2- ва 4-бандларига кўра, иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, иш кўрилаётганда иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилган бўлса ҳамда суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилинади, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 312-моддаси 1-қисмининг 1 ва 4-бандига кўра, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.

Қонуннинг ана шу меъёрларига таянган ҳолда вилоят прокуратураси томонидан вилоят судига киритилган протест қаноатлантирилиб, иш юзасидан адолатли қарор қабул қилинди.

Тадбир

Фахрийлар ва ёш мутахассислар учрашуви

Жорий йилнинг 24 июнь куни Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларининг прокуратура органларига тезкор ходим сифатида ишга юборилаётган ёш мутахассислар билан "Прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувга Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими раисининг ўринбосари Рустамбек Рашидов таклиф этилди. Тадбирни Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси Фахри Раҳимов кириш сўзи билан очди ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Ботир Калоновга сўз берди.

Б.Калонов истиқлол йилларида ёшларнинг етук, баркамол бўлиб воя-га етиши учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани, хусусан, 22 та қонун, Президентимизнинг 26 та фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 30дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, кўрсатилаётган ғамхўрликлар натижасини ҳозирги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланиб, юксалиб бораётганида ҳам кўриш мумкинлиги ҳақида гапирди. Ва айни кунда прокуратура ходимларининг 60 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил этаётган ёшларни мамлакатимизда ёшларга берилаётган ғамхўрликларга жавобан мустақил фикрлайдиган, зукко ва билимли бўлиб, асосийси, прокуратурага муносиб бўлишга даъват этди.

Шундан сўнг Ботир Калонов қатнашчиларга тадбир меҳмони Рустамбек Рашидовни таништириб, унинг меҳнат фаолияти ҳақида гапириб берди.

Рустамбек Рашидов прокуратура органлари тизимидаги 30 йиллик иш фаолияти давомида Яшнобод туман прокуратурасида терговчи, Республика Бош прокуратурасида бўлим ва бошқарма прокурори, Тошкент вилояти Пискент туман прокурори, Зангиота туман прокуроринг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори ва катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилган.

Айни дамда Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими раисининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Рустамбек Рашидовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилган.

Учрашув сўнггида фахрий прокурорлар ёш мутахассислар саволларига жавоб бериб, уларнинг келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилади.

Ўз мухбиримиз

Қалбаки одам

У қирқ тўрт ёшида валюта қимматликларини ўтказиш билан шуғулланган, қасддан бировнинг умрига зомин бўлгани учун 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жазонинг маълум бир қисмини ўтаганидан кейин амнистия актига асосан озодликка чиқди. Олтиариқ туманига, уйига қайтди. Сиртида тавбасига таянгандай бўлиб туюлган, аслида фикру хаёли бел оғритмай бойваччага айланиш билан банд Эгамберди бировга фириб бериб чув туширгач, яна сулланиб, бир йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилди. Шундан кейин ҳам жиноий қилмишларини давом эттираверди. Ёлғонни ямламай ютишни, сувга олиб бориб суғормай келиш "усул"ларини "такомиллаштирди". Баланд парвозга шайланган Эгамбердига Олтиариқ торлик қилиб қолди, мамлакат бўйлаб "ов"га чиқди.

Ўктамжон КОМИЛОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ёрдамчиси

2006 йил сентябрь ойида Янгийўл шаҳрида Худоберганга (жабрланувчиларнинг исм-фамилиялари ўзгартирилган) ўзини прокуратура ходими "Баҳодир" деб таништирди. Унинг хонадонида меҳмон бўлди. Меҳмондорчиликда Худоберган наркотик модда билан ушланиб қамалган Фарғона шаҳрилик таниши Мунисахоннинг поччаси Алибек Шарипжоновни қамоқдан чиқаришга ёрдамлашиб юборишни сўради. Аёлни уйига чақирди. Мунисахон ҳам поччасини қамоқдан чиқариб беришни илтимос қилди.

— Бўпти, ўн уч минг долларга ишини ҳал қиламан, — "Баҳодир"нинг сўзларига чиппачин ишонган аёл аввалига бўлиб-бўлиб 8500 АҚШ доллари, сўнгра пойтахтнинг Беруний даҳасида кўришиб, яна 4500 доллар берди. "Прокуратура ходими" аёлни шаръий никоҳлаб ҳам олди. Унинг Тошкент шаҳридаги уйида яшаб юрди. Мунисахон поччаси Алибекнинг иши судга оширилганидан кейин шубҳаланиб қолди. "Баҳодир" эса "Суд ҳукмини ўқийверсин. Қамоқхонадан олиб чиқаман", дея аёлни яна ишонтирди. Вилоятга "хизмат сафарига" кетганича Мунисахонга қайтиб қорасини кўрсатмади.

"Баҳодир" — Эгамберди Ҳожибеков ўша пайтда, 2007 йили бошқа бир фуқарони алдаб пулини олган ноғида ушланиб, судланди. 2011 йили озодликка чиқди. Ўзини савдога урди. Тошкент вилоятида, чегара пости ёнидаги ошхонада танишган қозоғистонлик Нурик ва унинг хотини Галяга: "Йўлда "ГАИ" ходимлари тўхтатиб, безор қиляпти", деб нолиди. Нурик "Гувоҳнома қилдириб олсангиз, йўлингиз очилади", деб бир нечта гувоҳномаларнинг нусхаларини кўрсатди. Рози бўлгач, уни фотоаппаратида суратга туширди. Орадан уч кун ўтгач, ўша жойда қўлига гувоҳномани тутқазди. Шу тариқа "омади юришиб", 250 минг сўм эвазига бир қаращда ҳақиқийсидан фарқлаб бўлмайдиган қалбаки гувоҳномани қўлга киритди. Тошкент шаҳридаги бозордан ҳарбий китель ва шим, қалбаки гувоҳномани кўрсатиб, дўкондан полковник погонини олди. Эътиборга ўрин қолдирмайдиган буйруқ оҳангида чертиб-чертиб гапиришнинг ҳадисини олган фирибгар аввалига ўзини миллий хавфсизлик хизмати ходими "Баҳодир Эргашевич Нурмуҳаммедов", дея таништириб юрди. Кейин ўзини ўзи бошқа "лавозимга кўтарди". "Республика Ҳарбий прокуратурасида бўлим бошлиғининг ўринбосари, жазони ижро этиш муассасалари устидан назорат қилувчи "куратор" бўлиб ишлайман", дея Тошкент шаҳри, вилоят ва туманларда нафақат тажрибасиз, содда, ҳатто ўқимишли, оққорани таниган фуқароларнинг ҳам ишончига кириб, уларни чув тушираверди.

* * *

Аширжон Даллиев Ўртачирчиқ туманидаги ўртоғи Давронни йўқлаб борди. Чойхонада ош қилиб ўтиришганида давраларига оқ кўйлак, қора костюм-шим кийган, галстук тақиб олган зиёлинамо одам келиб қўшилди. Даврон уни "Нурмуҳаммедов Баҳодир Эргашевич, миллий хавфсизлик хизматида ишлайди", деб таништирди. Полковник юқори лавозимларда ишлайдиган, Академияда бирга таҳсил олган, оға-ини тутинган икки нафар ўртоғи билан ораларидан қил ўтмаслиги, мамлакат ҳудудида ҳар қандай муаммони ҳал қила олиши ҳақида оғиз кўпиртиргач, Аширжондан 30 минг АҚШ доллари бериб туришни сўради.

— Бунча пулни нима қиласиз?

— Асакалик Ҳожи билан яқинмиз. Заводдан чиқаётган машиналарни буюртма бўйича қўшимча жиҳозлаб берадиган салони бор. Пулни бер-сангиз, Ҳожи заводдан олиб турган автомобилларни устига бир минг-бир минг беш юз доллар қўйиб, сотиб фойдаланасиз.

Автомобилларга қизиқмагани боис Аширжон Даллиев унинг таклифини қабул қилмади. Унга ўзининг қўл телефони рақамини берди.

2013 йил арафасида "Баҳодир Нурмуҳаммедов" телефон қилди.

— Кириб келаётган янги йилни Фарғонада қарши оламан, — деди. — Мени табриклашингиз мумкин, янги юқорироқ лавозимга ўтдим.

Январь ойи бошида Аширжон "Баҳодир ака" билан Давронни Қўқон шаҳридаги "Қўқон" чойхонасида кутиб олди. Келишидан аввал "Баҳодир ака" "Фарғонада генерални йўқлайман, 100 долларга битта "коробка" тайёрлаб қўйинг", деди. Аширжон чойхонада уларни меҳмон қилиб, совға-салом билан тўлдирилган қутини топширди. "Полковник"ни Фарғонага қузатгач, Давронни Бешариққа, уйига олиб кетди. "Баҳодир ака" телефон қилиб, пойтахтдаги «катталар»га учта «коробка» қилиб қўйишни тайинлади. Аширжон орадан уч кун ўтгач, "Қўқон" чойхонасида уни меҳмон қилиб, бир миллион сўмлик совғалар жойланган қутиларни бериб, Тошкентга кузатиб қўйди.

* * *

"Полковник Баҳодир Нурмуҳаммедов" ҳар ойда водийдаги жазони ижро этиш муассасаларини "назорат қилгани" ташриф буюрар, Аширжон уни Қўқон шаҳрида кутиб олиб, айтганини бажо келтирарди.

— Оилам перевалда автофалокатда ҳалок бўлган, ёлғизман, — деди "полковник" маъюс тортиб. — Сиз ўғлимдай бўлиб қолдингиз, бундан буёғига тутинган ота-боламиз. Қанақа муаммо бўлса, қанақа ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверинг.

Аширжоннинг уйига маҳалладоши Турғунбой ака ўғли Турсунбой билан келди. Отахон Умра сафарига бориш ниятидалигини, танишлари бўлса, қўллаб юборишни сўради. Аширжон "Баҳодир акага" уларнинг илтимосини етказди. "Водийга хизмат сафарига борганимда гаплашамиз", деди у. Аширжон одатдагидай, полковник ҳарбий кийимида келган "Баҳодир ака"га Турғунбой ака билан ўғлини рўбарў қилди. "Полковник" улардан уч минг АҚШ доллари, отахон ва турмуш ўртоғи паспортларини олди. Бир ҳафтадан кейин ўша чойхонада кўришиб, Турғунбой акага арзон нархда "Isuzu" автомобилини олиб берадиган бўлди. Ундан бўлиб-бўлиб 37 минг АҚШ долларини олиб кетди. Бир ойдан кейин паспортларини қайтариб берди. Тез орада машинани олишларига ишонтирди.

* * *

— Голландиядан зотдор сигирларни олиб келяпмиз, — деди Аширжонга расмларини кўрсатиб. — Вагонда келади, Тўйтепага туширамиз. Ҳар бири 38-40 литрдан сут беради. Қизиққанлар бўлса айтинг, ўзи етти миллион сўм туради, сизга беш миллион сўмдан олиб бераман.

Аширжон Фурқат, Ўзбекистон, Бешариқ, Данғара туманида яшайдиган танишларини Голландиянинг зотдор сигирларини сотиб олиш имконияти борлигини айтиб, қизиқтириб қўйди. Фурқат туманилик Садирали Шодиевни "Баҳодир ака" билан "Қўқон" чойхонасида учраштирди. "Полковник" унга зотдор сигирларни нақд қилиб қўйганидан кейин Тўйтепада турадиган "рак" касалига чалинган хотинини чет элда даволатиш учун 25 минг доллар бериб туришни сўради. Қарзини голланд сигирларини олиб бериб узадиган бўлди. Садирали унга 22 минг АҚШ долларини бериб юборди. Орадан бир ой ўтиб, ўша чойхонада кўришди. Аширжоннинг гувоҳлигида яна 31 млн. сўм олиб, унга аввал олган 22 минг АҚШ доллари — 69 млн. сўмни қўшиб, жами 100 млн. сўм олгани ҳақида тилхат ёзиб берди. Йил охиригача голланд сигирларини келтириб беришига ишонтирди.

Юқоридагидай йўсинда, арзон 5 млн. сўм нархда зотдор голланд сигирларини олиб беришни ваъда қилиб Аширжон Қўқон, Тошкент шаҳрида учраштириб қўйган Усмонали Шерғозиевдан 40 млн. сўм, бешариқлик Шокиржон Нуралиевдан бўлиб-бўлиб 31 минг 500 АҚШ доллари, Ўзбекистон туманилик Зокиржон Тошпўлатовдан 500 млн. сўм, Данғара туманилик Лолахон Эсоналиевадан зотдор сигир учун 7 минг АҚШ доллари ҳамда унинг ўғлини ИИБга ишга киритиб қўйиш учун 15 млн. сўм пулларини олиб, ана-мана, дея алдаб юраверди.

* * *

"Умра " сафари ҳам, "Isuzu" автомобили ҳам чўпчаклигига ишонч ҳосил қилган Турғунбой Саидов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза ёзди. "Полковник"нинг шериги сифатида Аширжон Даллиевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судда кўрилди. Етказилган зарарни — 40 минг АҚШ долларини қоплагани туфайли судланувчига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. "Баҳодир Нурмуҳаммедов" олиб кетган пулларни ўз ёнидан тўлашга мажбур бўлган А.Даллиев уни қидира бошлади. "Полковник" ҳеч қаерда ишламаслиги, асли исм-фамилияси Эгамберди Ҳожибековнинг фирибгарлиги фош этилиб, иши судга оширилганини билгач, бошини чангаллади.

Суд мажлисида фирибгар ўзини МХХ ва прокуратура органлари ходими дея таништириб, Ўртачирчиқ туманида яшовчи фуқаро Р.Жўраевдан янги "Нексия" автомобилини олиб бераман, деб 12 минг АҚШ доллари, марғилонлик Н.Усмоновдан Ҳаж сафарига юбориш, янги ер участкаси олиб беришни ваъда қилиб 4 минг АҚШ доллари ҳамда қарзга деб, 3 минг АҚШ доллари, Тошкент шаҳрида яшовчи К.Отабоевдан Корея Республикасига ишга жўнатишни ваъда қилиб, 10 минг АҚШ доллари, марғилонлик У.Топиволдиевдан "Спарк" русумли автомобиль, "Мерседес-Бенц" русумли юк автомобили ва 30 дона тикув машинаси олиб беришига ишонтириб, 95,6 млн. сўм, Бувайда туманилик М.Сатторовдан "Умра" сафарига жўнатиб юбораман" ва қарзга деб, жами 24,8 млн. сўм, Тошкентда яшовчи К.Бахтияровдан отасининг буйрагини операция қилиш учун Покистонга олиб бораман деб, 75 млн. сўм — жами 19 ҳолатда фуқароларни ишончига кириб, алдаб қўлга киритган жуда кўп миқдордаги пулларни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборгани иқрорлиги, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланди.

Турли қиёфага кирувчи қалбаки одамга айланган, қалбаки ҳужжат тайёрлаб фойдаланиш, пора беришга ундаш, фирибгарлик жиноятларини содир этган Э.Ҳожибековга беш йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ундан жабрланувчиларга етказилган зарар ундириладиган бўлди.

Баъзан туппа-тузук оиладан ҳам дарди бедаволар чиқиб турар экан. Начора, "Ўзингдан чиққан балога қайга борасан даъвога" деганларидек, бундайларнинг ота-онаси, туғишганларига сабр берсин. Баҳодир Тўраев (барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳақида гап кетганда уни таниган-билганлар, маҳаллакўй шу гапни такрорлаб қўйишарди.

Ноқобил фарзанд

Бурхон БЕКНАЗАРОВ,
Олмазор туман прокуратураси терговчиси

Баҳодир Тўраев деганимиз ёши қирқдан ошиб ҳам ақл кирмаган, ҳаётда ўрнини топмаганлардан бири эди. У болалигидан эрка бўлиб ўсди, оилада унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Вақт ўтиб, ота-она бу ўғилни талтайтириб ўстиришганига жуда қаттиқ афсус қилишди. Улғайгани сайин қилиғи совуб бораётган ўғилни йўлга сололмай, охири тақдирга тан беришди.

Икки марта суднинг "қора курси"сига ўтириб ҳам кўзи очилмади. Оиласи билан ажрашди. Ичкиликка ружу қўйди.

Ўша куни, яъни жорий йилнинг 20 мартида ҳам у одатдагидай уйига кечга яқин маст ҳолда кириб келди. Бундай пайтда унга рўбарў келишдан юраги безиллаб қолган отаонаси унинг беғалва ухлаб қолишини кутишди. Бироқ у алламаҳалгача хонама-хона изғиб юрди. Бир маҳал онасининг хонасида, шундоқ гиламнинг устида ухлаб қолди.

Ота барибир ота экан-да, қуруқ ерда ухлаб қолганини кўриб Ҳожиакбар ота уни уйғотишга уринди: "Тур, Баҳодир, жойингга бориб ёт". Бедаво ўғилга шу ҳам малол келди. Отасига ўдағайлаб, сўкиб ташлади. Сабр косаси тўлиб кетган ота қаттиқроқ гапирди. Баҳодирга шу керак эди, отасининг ёқасига ёпишди. Онаси "Жон болам, нима қиляпсан" дея ялиниб, унинг қўлига тирмашди.

Бақир-чақир қилиб ҳовлига чиққан Баҳодирнинг кўзи бир четда турган темир домкратга тушди. Уни қўлига олиб отасининг устига бостириб кирди. Ҳимоясиз, кекса отасини у билан аёвсиз ура бошлади. Ўртага тушган онасини ҳам аяб ўтирмади...

Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, Б.Тўраевнинг жиноий хатти-ҳаракати оқибатида отаси Ҳ.Тўраевга бел умуртқасининг синиши, бурун соҳасининг лат ейиши каби жароҳатлар етказилган. Шунингдек, онаси ҳам ўртача оғирликдаги жароҳатлар олган.

Суд мажлисида иштирок эта олмаган ота ҳам, ноқобил ўғилдан фақатгина жабр-зулм кўрган она ҳам уни кечирмасликларини айтиб, қонуний жазо берилишини сўради.

Судда Б.Тўраев қилмишидан пушаймонлигини айтиб, ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўради. Унинг бунга маънан ҳаққи борми? Оқпадар бўлиш энг оғир тамға. Бу гуноҳни биргина тазарру билан, сўнгги пушаймон билан ювиб бўлармикан?

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукми билан оқпадар ўғил қилмишига яраша қонуний жазога тортилди.

Табиийки, ҳар қандай иш қонун доирасида бўлсагина инсонга ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Аксинча бўлганида жазога тортилиши аниқ.

Пишмаган савдо

Дилмурод ТЕМИРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим инспектори

Афсуски, ёши элликка қараб кетаётган Умид Азимов, Бахтиёр Арипов ва Азамат Алиевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оддийгина ҳақиқатни англаб етишни исташмади. Улар ўзаро келиниб, қонунга хилоф равишда алкоголли маҳсулотлар олди-сотдиси билан шуғулланишни лозим топишди.

Украина давлатида ишлаб чиқарилган "Хотиция" номли ароқ сўраб келган мижозни Умид умидсиз қолдиришни истамади. Гарчи тадбиркорлик фаолияти билан қонуний шуғулланмаётган бўлса-да, 60 дона спиртли ичимликка буюртма қабул қилиб олган У.Азимов "ҳамкори" Б.Ариповга учрашади. Аслида Бахтиёр ҳам у каби сохта ишбилармонлар тоифасидан эди. Б.Арипов эса мазкур спиртли ичимликларни иш юзасидан чет давлатга чиққанида олиб келган фуқаро Азамат Алиевдан қабул қилиб олган эди. Хуллас, қўлдан-қўлга ўтиб, мижозга етиб борган алкоголли маҳсулотлар Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Яккасарой туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шу тариқа ноқонуний савдонинг олди олинди.

Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди томонидан учовлонга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Мақсади чиппакка чиқди

Орамизда ўз манфаати йўлида мамлакатимизда ўрнатилган қонун-қоидаларни менсимай иш кўрадиган фуқаролар ҳам борлиги ачинарлидир. Ана шундай фуқаролардан бири М.Ўрмонованинг тегишли қонун талабларини қўпол равишда бузганлиги фош этилди. Яъни у истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигига жавоб бермайдиган алкогол маҳсулотларини тайёрлаб сотишни йўлга қўйган экан. М.Ўрмонова 1,5 литр спиртни 15 минг сўмга сотаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олинди. Унинг уйидан 57 литр спирт маҳсулоти ҳамда алкоголли ичимликлар тайёрлашда ишлатиладиган турли буюмлар топилиб, ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди.

Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази унинг уйидан топилган спирт маҳсулоти инсон организми учун ўта зарарли эканлиги хусусида хулоса берди.

Мўмай даромад олишни кўзлаган М.Ўрмонова суд томонидан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Зафар ИРГАШЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Яккасарой туман бўлими катта инспектори

Солиқдан қочиш

ўзини ўзи алдашдир

Беҳзод ЖАББОРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Истиқлол йилларида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилди. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб, солиқлар миқдори босқичма-босқич камайтирилиб, кўплаб имтиёзлар қўлланилмоқда.

Шундай бўлса-да, айрим тадбиркорларимиз қонунларни четлаб, солиқ тўловларида қинғирликларга қўл урмоқдалар. Хусусан, Чирокчи туманида фаолият юритаётган "Никомед" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Э.Умиров солиқларни тўлаш масаласида қинғир йўлни танлади. МЧЖ фаолияти текширилганда унинг қилмишлари ошкор бўлди.

Текширишда 2011-2014 йиллар учун туман ДСИга топширилган ҳисоботларда мазкур МЧЖдаги солиққа тортиладиган объектлар 1 млрд. 717 млн. сўмга камайтириб кўрсатилганлиги, натижада жами 253 млн. 818 минг 500 сўм миқдоридаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмай келинганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан МЧЖ раҳбари Э.Умировга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Пешона тери билан топилаётган ризққа қаноат қилмаслик, ноқонуний йўллар билан пул топишни кўзлаш охир-оқибат жавобгарликка олиб боради. Айниқса, бу йўлда мансаб ваколатидан фойдаланиб, ғараз мақсадга эришиш эса кечириб бўлмас ҳолатдир.

«Хизмат ҳақи»

Бўка туман Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси уй-жой инспектори лавозимида ишлаган Ғулом Кабиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам мансаб ваколатидан фойдаланиб, бойлик орттиришни мақсад қилади. У тумандаги хонадонлардан бирининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун "хизмат ҳақи" сўрайди. Хусусан, фуқаро Маъпура Ҳусанова марҳум отасининг номида бўлган ҳовлини ўзининг номига расмийлаштириш учун уйнинг кадастр ҳужжатларини тайёрламоқчи бўлиб, Ф.Кабировга учрашади. Ўзаро суҳбат жараёнида инспектор бу иш шунчаки битмаслигини айтиб, ундан пул талаб қилади. Иши тезроқ битишига умид қилган М.Ҳусанова дастлаб Ф.Кабировга 300 минг сўм пул беради. Бироқ орадан бир неча ой вақт ўтса-да, уйнинг кадастр ҳужжатлари тайёр бўлавермайди.

Ўтган йилнинг октябрь ойларида уй эгаси Ф.Кабировга қўнғироқ қилади ва ишни тезроқ битириб беришини айтади. Инспектор эса, дастлаб берган пули ишни битириш учун етмаганини, яна 200 АҚШ доллари берса, ҳужжат тезда тайёр бўлишини таъкидлайди. Телефонда унинг талабига рози бўлган аёл Ф.Кабировнинг хатти-ҳаракатлари ноқонуний эканини тушуниб етади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилади.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бўка туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Ф.Кабиров 200 АҚШ долларини олаётган вақтида ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд мансаб ваколатидан фойдаланмоқчи бўлган Ф.Кабировга тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Бурхон ҲАЙДАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бўка туман бўлими бошлиғи

Тиллага шайдо фирибгар

Мунис (исм-фамилиялар ўзгартирилган) заргарлик дўконида ишлади. Бир куни у таниши Муҳаббат опага маслаҳат маъносида айтиб қолди.

— Опажон, минг доллар пул бўлганида ишим янада юришиб кетардида.

— Йиғиб қўйган пулим бор, агар сизга зарур бўлса, ишлатиб туринг, — деди Муҳаббат опа соддаллик билан.

Хуллас, Мунис Аблақулова 1000 АҚШ долларини бир ой ичида қайтариб бераман деб олди-ю, М.Юнусовани алдаб юраверди.

Бу орада М.Аблақулова яна бир фуқаро Холида Тангировани ҳам алдаб, унинг 900 минг сўмлик тилла буюмларини сотиб беришни ваъда қилади. Бироқ бу аёл тақинчоқларини ҳам, пулини ҳам ололмайди.

Мўмай пул мойдек ёқаётган Мунис яна бир фуқаро Акобир Абзаловни ҳам фирибгарлик йўли билан чув туширади. Унинг онасига тегишли бўлган 2 минг 500 АҚШ долларилик тақинчоқларини сотиб, пулини ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборади.

Инсонларнинг ишончига кириш орқали уларнинг пулига эга чиқишнинг ҳадисини олган М.Аблақулова охир-оқибатда қонун олдида жавоб берди.

Раҳим ЭГАМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Каттақўрғон шаҳар бўлими суриштирувчиси

«Тузчи»лар қўлга тушди

Сертификатга эга бўлган ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган, талабга мувофиқ равишда йодланган тузлар соғлиққа фойда. Лекин бунинг акси бўлса, инсон саломатлигига жиддий путур етиши мумкин. Шу боис ҳам киши ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган туз маҳсулотларини тайёрлаб, ўтказиш билан шуғулланаётган кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилди.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бағдод туман бўлими томонидан ўтказилган тадбирда ҳудуддаги Мўйлави қишлоғида яшовчи Лолахон Қодирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз хонадонида қонунга хилоф равишда истеъмолга яроқсиз ош тузини қадоқлаб, улгуржи сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланди. У 800 дона қадоқланган "Парвоз" ош тузини харидорга 320 минг сўмга сотган вақтида ушланди. "Ишбилармон" аёлнинг хонадонидан 2180 дона қадоқланган туз ашёвий далил сифатида олинди. Суриштирув жараёнида Л.Қодирова тузни Қўштепа туманида яшовчи фуқаро А.Қўзибоевдан сотиб олаётгани маълум бўлди.

Ушбу ҳолат бўйича ўтказилган тадбирда қўштепалик Араббой Қўзибоев ва Фарғона тумани Дамкўл қишлоғида яшовчи унинг шериги Исмоилжон Усманов тузни Навоий вилоятидан келтираётганлиги аниқланди.

Ўзаро тил бириктириб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан истеъмол талабларига жавоб бермайдиган ош тузини ўтказиш билан шуғулланган И.Усманов, А.Қўзибоев ҳамда Л.Қодировага суд томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Нодир АШУРБОЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бағдод туман бўлими бошлиғи

Пулфурушлик оқибати

Қонуний фаолият юритиш ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Аммо орамизда бундай хислатлардан узоқ бўлган кимсалар ҳам бор. Қонунларимизга чап бермоқчи бўлган бундай кимсалар сирасига хорижий валюта айирбошлаш орқали бойлик орттиришни ўзларига "касб" қилиб олганларни ҳам киритиш мумкин.

СВОЖЖДЛҚК департаменти ходимлари томонидан валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида ўтказилаётган тезкор тадбирларда ана шундай қонун бузилиши ҳолатларини содир этаётган кимсаларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда.

Ана шундай тадбирларнинг бирида пулфурушлик ортидан мўмай даромадни мақсад қилган Мансур Салимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) хориж валюталарини ноқонуний йўл билан турли шахсларга сотиш билан шуғулланиб келганлиги фош этилди. У харидорга 57 минг 225 АҚШ долларини сотаётган вақтда департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими ходимлари томонидан ашёвий далил билан ушланди.

Суд қонунбузарга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Ўлмас ШАРИПОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи

Муборакбод этамиз!

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар самарали фаолият юритган прокуратура фахрийси Пармон Расулов табаррук 80 ёшни қарши олмоқда.

У 40 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Самарқанд вилоят прокуратураси, адлия ва суд органлари тизимида, яъни вилоят прокуратурасида бошқарма прокурори, вилоят адлия бошқармасида бўлим бошлиғи ўринбосари, Нарпай туман суди раиси, вилоят суди аъзоси, туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим катта прокурори, вилоят прокурорининг ёрдамчиси ҳамда катта ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилиб, умрини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими, самимийлиги билан ҳамкасбларининг ҳурмат ва эътиборини қозонди.

Пармон Расуловнинг садоқат ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳукуматимиз ва Бош прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "Жасорат" медали, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони ҳамда "Адлия маслаҳатчиси" махсус унвони билан тақдирланди.

Ҳурматли Пармон Расулов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!

Юрт тинчлигини мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Малика Мамадалиева табаррук 85 ёшни қарши олмоқда.

У фаолияти давомида Андижон ва Наманган вилоят прокуратура органлари тизимида туман ва шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, прокурор ёрдамчиси ҳамда катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

У қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамиша шогирдларига меҳрибон устоз бўлиб, уларга доимо ўрнак бўлди.

Малика Мамадалиеванинг кўп йиллик меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Ҳурматли Малика Мамадалиева, қутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга соғлик-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Америка кубоги-2016: «улоқ» яна Чилида

Юз йиллик юбилейга бағишлаб ўтказилган икки қитъанинг қўшма кубогида Чили терма жамоаси бош совринга эга чиқди. Америка кубоги финал ўйинида Аргентина ҳамда Чили терма жамоалари тўқнаш келишли ва ўйиннинг асосий ҳамда қўшимча вақтларида ҳисоб очилмагач, ғолиб номи пенальтилар серияси аниқланди. Футбол лотереясида омад чилиликларга кулиб боқиб, 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Чили терма жамоасининг финалга қадар босиб ўтган "йўли"га назар ташлайдиган бўлсак, чилиликлар гуруҳ ўйинларини айнан Аргентина терма жамоасига қарши баҳс билан бошлаб, кичик ҳисобда мағлуб бўлишган эди. Қолган 2 та учрашувда ҳам уларга осон бўлгани йўқ. Панама ва Боливия терма жамоаларини қийинчилик билан мағлуб этган Алексис Санчес жамоадошлари уёғига суръатни ошириб боришди. Чорак финал баҳсида Мексика терма жамоаси йирик 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратилди. Ярим финалда эса Хамес Родригес сардорлигидаги Колумбия термаси устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонилди.

Шу тариқа Чили терма жамоаси ўз унвонини ҳимоя қилди. Ўтган йили ҳам чилилик футболчилар бош мукофотни қўлга киритишган эди.

Америка кубоги-2016. Финал.
Аргентина — Чили 0:0 (пенальтилар серияси — 2:4)

Финал ўйинидан сўнг ташкилотчилар энг яхшиларни тақдирлашди. Унга кўра, "фейр-плэй" соврини Аргентина терма жамоасига насиб этди. Мусобақада 6 та гол урган чилилик футболчи Эдуардо Варгас "Олтин бутса" соҳибига айланди. Чили терма жамоаси посбони Клаудио Браво эса "Олтин қўлқоп"га эга бўлди. Америка кубогининг энг яхши футболчиси сифатида Алексис Санчес тан олинди ва унга мусобақанинг "Олтин тўп"и тақдим этилди.

«МЮ» ва Мхитарян келишувга эришди

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби Дортмунднинг "Боруссия" жамоаси ярим ҳимоячиси Генрих Мхитарян билан келишувга эришди.

Маълумотларга кўра, яқин вақтлар ичида арманистонлик футболчи "қизил иблислар" жамоаси билан 4 йиллик шартномага имзо чекади. Унинг янги жамоадаги йиллик маоши миқдори 12 млн. еврони ташкил қилади. Манчестерликлар клуби раҳбарияти футболчилар учун дортмундликлар клубига 32-36 млн. евро тўлайди.

Дортмундликлар Мхитаряннинг ўрнига янги футболчи излашни бошлаган. Асосий даъвогар сифатида эса "Вольфсбург" клуби аъзоси Андре Шюрле номзод бўлиб турибди. Лекин "бўрилар" жамоаси Германия терма жамоасига номзод бўлган бу футболчисини қўйиб юбормоқчи эмас.

Эслатиб ўтамиз, Мхитарян ўтган мавсумда бундеслиганинг 31 та учрашувида майдонга тушган ва 11 та гол уриб, 15 марта голли узатма муаллифи бўлган.

Спорт

Бутун дунёда дув-дув гап: Месси термадан кетмоқда

27 июнь тонгида(бизнинг вақт билан) тарқалган хабар бутун дунёдаги миллионлар ўйинига бефарқ бўлмаган инсонларни таажжубга солиб қўйди. АҚШда ниҳоясига етган Америка кубоги финалида терма жамоаси билан мағлуб бўлган Лионел Месси ўйин якунланиши биланоқ терма жамоадаги фаолияти тугаганини маълум қилди. Унинг бу қарори кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

2014 йилдан буён кетма-кет уч марта халқаро мусобақалар финалига қадар етиб бориб, барчасида ютқазиб қўйиб, кўксига ярашмайдиган кумуш медалларни тақавериш тўрт карра "Олтин тўп" соҳибининг паймонасини тўлдирган кўринади. Айниқса, бу галги финалдаги пенальтилар серияси 11 метрлик зарбани амалга оширишда хатоликка йўл қўйгани Леога руҳий зарба бўлди. Мағлубиятда айбдорлик ҳисси уни шундай қарорга келишига сабаб бўлди.

У нима сабабдан терма жамоани тарк этишга қарор қилганини тушунтириб берди. "Ҳозир вазиятни таҳлил қилиш вақти эмас, бу оғир. Мен бу миллий терма жамоадаги охирги ўйиним деб ўйладим, бу мен учун эмас, деб ўйладим. Ҳозир ўзимни шундай ҳис этяпман. Мен қаттиқ тушкунликдаман, пенальтини ура олмадим, у жуда муҳим эди", — деди Месси.

"Мен тўртта финалда ўйнадим, лекин тақдир эмас экан. Мен бор кучим билан Аргентинани чемпион қилишга уриндим. Лекин бу амалга ошмади. Уддалай олмадим. Ўйлашимча, бу ҳаммага яхши, менга ҳам, буни истаётганларгаям. Қарор қабул қилинди. Кўп уриндим, аммо ўхшамади", — қўшимча қилди футболчи.

Албатта, айни пайтда замонамизнинг икки буюк футболчисидан бири бўлиб турган Мессидан айрилиш Аргентина терма жамоаси учун жуда катта йўқотиш бўлади. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас экан. Сабаби унинг ортидан яна 6 нафар жамоадоши ҳам терма жамоадаги фаолиятини якунлаши мумкин. Хавьер Маскерано, Лукас Биглия, Эсекьель Лавесси, Анхель Ди Мария, Гонсало Игуаин ва Серхио Агуэро каби футболчилар ҳам бошқа Аргентина либосида майдонга тушмаслик борасида бош қотиришмоқда.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали Қамбаров тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Ўткиржон МАМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа туман прокуратураси ҳайдовчиси Яҳёхон Алимханов ва Юнусобод туман прокуратураси ҳайдовчиси Аюбхон Алимхановларга падари бузруквори

ХАМЗА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53, 233-64-85
Faks: 233-64-85
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[L] — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma S-6363. 43 548 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004